

КАМОЛ РАҲМОН

# ЧИНОР

*Шеърлар, ҳикоялар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

27989  
10 2

1999 O'zb. Res. DK  
A 1529

10

Р 30

**Раҳмон Камол.**

Чинор: Шеърлар. Ҳикоялар. — Т.: «Шарқ», 1999. — 1286.

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
коицерни Баш таҳририяти,  
1999

# **ШЕРЛАР**

## ФАХР ТҮЙГУСИ

Камол Раҳмон (Абдукамол Раҳмонов) — ҳуқуқшунос. Касби тақозасига кўра кўп одамлар билан учрашади. Кўп инсоний муносабатларга дуч келади. Улардан кангул гоҳ тўлади, гоҳ меҳр туяди, гоҳ шафқатга айланади, гоҳ ўксиниб ич-ичидан хўрсинади, гоҳ нафрлатланади.

Бу жиҳатлари шундай ҳис билан унинг шеърларига, ҳикояларига кўчган. Камол Раҳмон битиклари ўзи билган, ўзи кузатган, ўзи мудом шоҳиди бўлган воқеа, ҳодисаларнинг кангулда пайдо этган таъсирлари, эзғин-эзгин сиралари. Шоир бу билан, яъни, кангул майдонидаги икки қирраларнинг сифат ва нуқсини айтиш билан одамларни бир-бирига яхшилик қилишга ундейди, эзгулик улашга чорлайди. Разилликнинг бор кўринишларидан ҳазар қилишга даъват этади. Камол Раҳмон сўзининг йўсини кангулни яхшилик ҳамда эзгулик билан тўлдиришга йўналтирилган.

Камол Раҳмон шеърларидағи яна бир тарз Ватан билан фахрланиш туйгуси. Ватанини қадрлаш, у билан фуурланиш туйгуси.

Ҳурлилка бошлаган йўлингни ўпай, — дея Ватанга айтилган ички бир ифтихор кангулда фуур ҳиссини уйғотади. Камол Раҳмон битикларидағи мазкур ҳис инсонлар қалбига чуқурроқ сингиб борсин. Кангуни доимий йўлдошига айлансин.

*Икром ОТАМУРОД*

## **ВАТАНИМ, СЕН ОЗОД ЎЗБЕКИСТОНСАН!** *(қасиға)*

Ўзбек тупроғисан, гулга кон диёр,  
Жаҳонни лол этган фарзандинг бисёр,  
Ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад илмдор,  
Нақшбандий ҳазрат сифат пиrim бор,  
Довруғинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!

Улугбегинг само сирин фош эттан,  
Ибн Сино тиббий қонун баҳш этган,  
Беруний бир янги қитъа қашф этган,  
Алишеринг туркий забон деб кетган,  
Довруғинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!

Темурхон бўлганда сардор Ватанга,  
Самарқанд пойтахт-ди салкам жаҳонга,  
Бугун ҳам чироқлар олиб алнга,  
Ҳуррият шамоли ёқмоқда таига,  
Довруғинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!

Тонгларинг ёруғдир камолат сенда,  
Ҳуқуқий давлатсан, адолат сенда,  
Алномишдан мерос шиҷоат сенда,  
Болажон халқинг бор, шафоат сенда,  
Довруғинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!

Ҳурликка бошлаган йўлингни ўпай,  
Саҳроларинг ила чўлингни ўпай,  
Тошни ёриб чиқдан гулингни ўпай,  
Меҳнат-ла терлаган қўлингни ўпай,  
Довруфинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!

Чор томонинг чаман, шифил мева, боғ,  
Кучингга куч берар қуёш минган төғ,  
Илоҳим, асрасин минг битта паноҳ,  
Сени қўллагани қўлласин Оллоҳ,  
Довруфинг бир олам, танларга жонсан,  
Ватаним,

сен озод

Ўзбекистонсан!!!

## **ЧИНОР**

Үсімлік олами ичіда танқо,  
Улуғвор дарахтсан, күп асрға тенг.  
Пешонанғ фалакка етсада-жатто,  
Эгилиб ассалом дейсан, феълинг кенг.

Елқадор, бақувват, сержило, сершох,  
Дарахтлар султони, күркам чинорсан.  
Сирли ўтмишимдан фақат сен огох,  
Ердан униб чиққан азим минорсан.

Минг бир воқеалиқдан гувоҳ ҳар шохинг,  
Боғу хиёбонда түқасан савлат.  
Тарих ғилдираги толмас ҳамроҳинг,  
Қиёсимда сен бир қадимий давлат.

Бир елканғда ўзбек, бирида қырғиз,  
Бошқасида туркман, қозофу тоғик.  
Сермазмун дарахтсан, лек тананғ ёлғиз,  
Бамисли Турандир бир осмон-ерлик.

Мангулик рамзисан, серкуч, баҳайбат,  
Илдизинг бақувват гүё Туркистон.  
Сен дарахт, ул давлат, ўхшаш қиёмат,  
Сен бобо чинорсан, ул бобо Турун.

## **БҮЛСА БАС...**

Тупроқ тан-жон, замин виждон,  
эътиборим бўлса, бас,  
Манглайига қуёш қўнган  
чаманзорим бўлса, бас.

Тупроқ азиз деб уқтирган  
отам-онам, устозим,  
Жаннатидан парча берган  
Оллоҳ ёрим бўлса, бас.

Меҳри дарё, қалби дунё  
халқим бор, иймоним бор,  
Моварауннаҳр узра  
бир диёрим бўлса, бас.

Ўзга эмас, шу диёрни  
асрамоқлик олий бурч,  
Тупроқ учун жон тикмоқлик,  
эрлик орим бўлса, бас.

Тупроқ асли шу ватандир,  
муқаддасдир, муқаддас,  
Ватанимни куйламоқлик  
ифтихорим бўлса, бас.

Куйла Камол, Ўзбекистон  
бу ватаним, иймоним,  
Шу ватанинг бир бурчида  
бир мозорим бўлса, бас.

## **ВАТАН**

*Арабистонлик ватандошимнинг  
кўнглидан кечганлари*

Сени кўп соринаман эрта-кеч, ҳар он, Ватан,  
Сен Ватаннинг ҳажрида  
менда кўп армон, Ватан.

Хуррият қучди сени,  
шод, хуррам бўлдим, ажаб,  
Қувончдан кўзларга ёш  
кељди шул замон, Ватан.

Бир қучмоқ илинжида югурдим, қолди Араб,  
Тупроғинг тавоб айлаб,  
хидладим райҳон, Ватан.

Жамолинг мисли келин,  
кўзларим тўймас қараб,  
Дийдорингга қонмайин  
тикилдим ҳар ён, Ватан.

Мажнунтоллар ўтирмиш  
кокибу сочин тараб,  
Хуснидан кўз қамашар  
Лайдидек ҳайрон Ватан.

Дарди ҳижрон азоби  
тарк этди, сўранг сабаб,  
Висолинг бўлди малҳам,  
Камолга дармон Ватан.

## ГУЛЛАДИ

Неча йил нур истадим,  
элакларим гуллади,  
Неча йил гул истадим,  
фалакларим гуллади.

Турфа гуллар шохида  
чарх айлади булбуллар,  
Ёрилтошлар ёрилди,  
юракларим гуллади.

Истиқдол жамолингни  
күролмай ўтганларнинг,  
Рухларида жаннатий  
чечакларим гуллади.

Аждарни енгди ботир,  
қирқ алпим омон қолди,  
Хаёлдаги орзулар,  
эртакларим гуллади.

Истиқдол берди иқбол,  
Хумо қүш келтирди баҳт.  
Камол, Турун бағрида  
тилакларим гуллади.

## КАМОЛОТ ДИЁРИ

Минг асрлик гул бағрингни  
тавоблай, ҳур Ўзбекистон,  
Темурхондан мерос давлат,  
сувлари нур Ўзбекистон.

Мустақиллик шаробидан  
оқшому тонг сархуш юрдим,  
Ҳар мисқоли зар олтинданд,  
тупроғи дур Ўзбекистон.

Озод замин узра қувонч,  
дўст лабида кулги кўрдим,  
Алпомиш-ла мисли Фарҳод  
ўғлони зўр Ўзбекистон.

Ҳуррият шамоли, тўзган  
соchlаримни силаб ўтдинг,  
Иймон тарозисин тутган,  
эли маъмур Ўзбекистон

Етмиш йиллик умринг кетиб,  
камолот сари юз тутдинг,  
Келажагинг экан буюк,  
халқинг жасур Ўзбекистон.

Дил тубида туғиб юрган  
муродимни ҳосил этдинг.  
Камол ишқи тушиб мудом,  
гўзал мағрур Ўзбекистон.

## **ВАТАН СОТИЛМАС**

Ажаб замонларда инсон сотилган,  
Эътиқод йўқолган, иймон сотилган.  
Алдовларга учиб виждан сотилган,  
Лек, Ватан ўзгармас, Ватан сотилмас.

Кимлардир битталаб орини сотди,  
Номуссиз қатордан норини сотди,  
Қучоқдан никоҳлик ёрини сотди,  
Лек, Ватан ўзгармас, Ватан сотилмас.

Муҳаббат боғига боғбон сотилур,  
Ўзбекдан хорижга карвон сотилур,  
Тилин билмаганга забон сотилур,  
Лек, Ватан ўзгармас, Ватан сотилмас.

Ватаним саждагоҳ, Ватаним улуғ,  
Ватаним муқаддас, Ватаним қутлуг,  
Ватаним бошида зиёратбоп түғ,  
Ватан ҳеч ўзгармас, Ватан сотилмас.

## ЎЗБЕКИСТОН

Қуёш севган тоғли бўстон,  
Ҳосилларинг карвон-карвон,  
Сен пахтазор, мен бир дехқон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ер бойлигинг машҳур жаҳон,  
Бағринг олтин, кумушга кон.  
Сен гулзорсан, мен бир боғбон.  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Саҳроларинг чорвага банд,  
Янтоғингдан олинар қанд,  
Сен онасан, мен-бир фарзанд,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Юртим тўла қалбинг зиё,  
Нур таралмиш сендан гўё,  
Сен давлатсан, мен фуқаро,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!-

Ўчирмайман ҳеч чироғинг,  
Истамайман ал-фироғинг,  
Сен Ватансан, мен тупроғинг,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

## САМАРҚАНДИМСАН

Кўрки шаҳар Бибихоним —  
Самарқандимсан ўзинг,  
Афросиёб, Суғдиёним —  
Самарқандимсан ўзинг,  
Мароқандим, ҳур жаҳоним —  
Самарқандимсан ўзинг,  
Ҳам Ватаним, ҳам иймоним —  
Самарқандимсан ўзинг,  
Тоғу саҳронг дурга коним —  
Самарқандимсан ўзинг.

Улуг шоҳлар шаҳри бўлган  
юргимсан ста мерос,  
Спитамен, Тўмарисдек  
фарзандларинг сенга хос,  
Мўжиз, мўъжаз обидалар,  
мадраса, гумбазлар мос,  
Тавоб айлай тупроғингни  
дилимга туғиб ихлос,  
Зиё бирла нурга коним —  
Самарқандимсан ўзинг.

Амир Темур руҳи кезар  
хиёбонда кўриб тахт,  
Тахт устида буюк бобом  
тинчлик учун қилди аҳд,  
Ватан сенга орден берди,  
ҳил байроқقا илди нақд,  
Мустақиллик берди иқбол,  
Сиёвуш келтирди баҳт,  
Абадий ҳур, чин маконим —  
Самарқандимсан ўзинг.

Оллоҳим назарин соглан  
богу-тоғинг гулистон,  
Хизирнинг қадами етган  
тупроғинг қутлуғ бўстон,  
Бу оламда ўхшали йўқ,  
эртаксифат шаҳристон,  
Камолни маҳалиё эттан  
тарихинг бисёр достон,  
Регистонда бор карвоним —  
Самарқандимсан ўзинг.

## ТИНГЛА ЖАҲОН...

Самарқандим теграсига  
қўнганида ой,  
Регистонда бонг урганда  
карнаю-сурнай,  
Ўн саккиз минг олам узра  
садо берди най,  
Тингла жаҳон, ҳурлигимдан  
янграмоқда куй.

Куй базмида сайратди соз  
ўйнаб қаламқош,  
Сеҳрланиб тиллакори  
эгиб турди бош.  
Куйга зриб тебранищди,  
ҳатто тору-тош,  
Тингла жаҳон, ҳурлигимдан  
янграмоқда куй.

Базми булбул мадҳиясин,  
куйларин битди.  
Булбулларим яйраб, яйраб,  
сайрашиб кетди,  
Камол, булбул шайдосидир  
муродга етди.  
Тингла жаҳон, ҳурлигимдан  
янграмоқда куй.

## ҚОМУС

Қомусни кўзимга суртаман олиб,  
Бир олам ҳуқуқлар берган ул зиё.  
Қомусни куйлайман қалбимга солиб,  
Бугун унга барча олам маҳлиё.

Чақалоқ қулгуси —инсон орзуси,  
Ҳуррият боғида гуллади чечак.  
Мустақиллик бўлди ўзбек номуси,  
Қадаминг қутлуғидир гўё келинчак.

Мовий осмонингда ёришади тонг.  
Саломга келади мўралаб қуёш.  
Замон уйғонади, уйғонади онг,  
Қувончдан дилларда чайқалади ёш.

Офтоб чаракдайди нурларин сочиб,  
Она замин узра ҳаёт бир равон.  
Қомусни кўзимга суртаман очиб,  
Ўзбекнинг эртаси буюқ, фаровон.

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИГА

Ором олгин болажоним,  
алла болам, алла-ё.  
Иқбол сенга меҳрибоним,  
алла болам, алла-ё.

Оллоҳ берган азиз бошинг,  
омон бўлсин жон болам,  
Заковатли навқироним,  
алла болам, алла-ё.

Илк нигоҳинг тушган бу юрт,  
Ўзбекистон аталур,  
Унда порлоқ ҳар бир оним,  
алла болам, алла-ё.

Мустақил юрт фарзандисан,  
улугъ ҳалқим эртаси,  
Замин озод, йўқ армоним,  
алла болам, алла-ё.

Қадамингни босгин оҳис,  
босма аждод ҳокини,  
Иймонинг бор, йўқ гумоним,  
алла болам, алла-ё.

Тебратгайсан кенг жаҳонни,  
табрансин еру-фалак,  
Сен қалқонсан, тинч осмоним,  
алла болам, алла-ё.

Киндик қонинг томган тупроқ,  
она Ватан, жон Ватан,  
Шу Ватанга сен посбоним,  
алла болам, алла-ё.

Ватан сўрса, тўқкил қонинг,  
берган тузин қил ҳалол,  
Камол ҳам дер, садқа жоним,  
алла болам, алла-ё.

17 1995  
A | 1529

## **ВАТАН КУТМОҚДА**

Ўзбексан, эр йигит ор-номусинг бор,  
Бел боғлаб Ватанни қўриқла хушёр.  
Шу Ватан тинч бўлсин, гулласин диёр,  
Кўзингни оч йигит, Ватан кутмоқда!

Ватанку бир вақтлар сенга жон берган,  
Қалбинг булоғига иссиқ қон берган.  
Ризқ-рўзинг ундириб ширмон нон берган,  
Кўзингни оч йигит, Ватан кутмоқда!

Ватан —бу онангдир чаманда ёлғиз,  
Ёинки падаринг қолдиргувчи из.  
Ахир шу эмасми сен истаган қиз,  
Кўзингни оч йигит, Ватан кутмоқда!

Ўз элинг тинчлигин ўзгадан кутма,  
Йигитсан, йигитлик бурчинг унутма.  
Faфлатда қолиб сўнг изтироб ютма,  
Кўзингни оч йигит, Ватан кутмоқда!

## СОФИНЧ

«Оқтов» төғи құчоқларингда,  
Сийнанғ тұла ям-яшил боғлар.  
Марвариддек мунчоқларингда,  
Акс этади күркам бутоғлар.

Нола қылар сув шалдироги,  
Ирмоқлари мисоли сойдек.  
Какликларнинг субҳи сайроғи,  
Завқ улашар сехрли найдек.

Мовий, сирли зам-зам булоқ бор,  
Атроф қырлар ўрталиқ чаман.  
Манту яшар ҳам бобо чинор,  
Мәхрибоним, қишлоғим «Бурган».

Түғилганим сенинг борингда,  
Фахр билан ёдлайман мудом.  
Болалигим қолди төғингда,  
От устида терғандим бодом.

Баҳордаги күм-күк майсалар,  
Тоғдан сизиб оққан ирмоқлар.  
Юрак тұла мәхр кимсалар,  
Севиб, севиб, сени ардоқлар.

Анча йиллар сендан узокда,  
Яшаяпман сени соғиниб,  
Изларим бор төғу-тошлоказда,  
Шошаяпман сени соғиниб.

## СЕН УЧУН ЯШАЙМАН

Сичқон йили эди нақ фасли баҳор,  
Осмон гүмбирларди, титрарди замин.  
Момоқалдирикүли ёмғирдан иочор,  
Күёш эркаларди сочиб нурларин.

Үшанды камалак берарди жило,  
Ям-яшил «Бурган»га рангларин сочиб  
Майсаю-чечаклар бўлиб сержило,  
Булбуллар куйларди сирларин очиб.

Қуийиларди баланд тоғдан шаршара,  
Сел ҳавоси салқин, майин шабода.  
Сувлар шалдироғи Бургансой узра,  
Хаёт улашарди, ерда, сабода.

Уфқ қизарганда бошланганда шом,  
Орзулар чечаги гуллади, кулди.  
Чақалоқ йиглади ингалаб мудом,  
Шоди ўғил кўрди, илк ота бўлди.

Тонг ёришди, чақнаб ёришди олам,  
Илоҳим чақалоқ қалбига тушди.  
Сен учун яшайман, онангман болам,  
Дея Бахмал она беланчак қучди.

Ота Ҳонақоҳга шошилди шу тоб,  
Яхши исм бўлсин унга, ё насиб,  
Мулла Тоир бобо вараклаб китоб,  
Абдукамол исми, деди муносиб.

## ТАЪЗИМ

Оlam яралибди ота яралмиш,  
Ота, сўнг онадаи фарзанд таралмиш,  
Отасиз, ҳаётга нуқта қадалмиш,  
Отам энг улуғдир, отам энг улуг.

Оtamда кўраман нафақат иймон,  
Инсофу-барака, ор ҳамда виждон,  
Кўзлари нур-зиё ул буюк инсон,  
Отам энг улуғдир, отам энг улуг.

Ўзини билмаган, лек мени билган,  
Мени деб ҳаётда балким эзилган,  
Бўйнига доимо дардимни илган,  
Отам энг улуғдир, отам энг улуг.

Бу фоний дунёда жуда кўп қарзим,  
Фарзандлик бурчимни бажармоқ фарзим.  
Падар-бузрукворим қиласман таъзим,  
Отам энг улуғдир, отам энг улуг.

Оллоҳ иродаси бердингиз ҳаёт,  
Ота ҳар сўзингиз пур маъно баёт,  
Оlamда минг йиллаб яшанг барҳаёт,  
Отам энг улуғдир, отам энг улуг.

## ОНА

Оlamни яшнатиб мунаввар этган,  
Оналар мўътабар, онам мўътабар.  
Зурриёт тарқатиб муродга етган,  
Оналар мўътабар, онам мўътабар.

Қалбининг тўридан оқ сутин тутган,  
Босган изларимга кўз қадаб кутган,  
Баъзан фарзанд дея қонлар ҳам ютган,  
Оналар мўътабар, онам мўътабар.

Она бор хонадон шоҳ қасрга teng,  
Оналар ҳикмати бош насрга teng,  
Бир кунлик меҳнати минг асрга teng,  
Оналар мўътабар, онам мўътабар.

Онага бош эгинг, онани йўқланг,  
Оналар муштипар, онани сақланг.  
Онанинг оқ сутин, жон фарзанд оқланг,  
Оналар мўътабар, онам мўътабар.

## МЕХР

Үтпиз беш йиллик умрини менга баҳшида  
этган катта онам Ойсафар  
Жоналиеванинг хотирасига бағишлайман

Бир ёшлиқ чоғимда олиб онамдан,  
Эркалай билдингиз мен болачани.  
Дардлар босганида юлиб танамдан,  
Ўғлим деб, сүйдингиз бир заррачани.

Ҳатто белингизга кўтариб, осиб,  
Ерга қўймасдингиз, тин билмай бир зум.  
Болам деб, юзимга юзингиз босиб,  
Бахтимни сўрдингиз Оллоҳдан мастьум.

Икки ёш чоғимда беланчак ясаб,  
Тунларни кунларга улай билдингиз.  
Уч-тўрт ёшларимда кўзингиз ёшлаб,  
Қувончдан пешонам силай билдингиз.

Беш-олти ёшимда йигит деб сийлаб,  
Елкамга тўн илиб, бердингиз белбоғ.  
Юрак қўрингизни баҳшида айлаб,  
Бўлдингиз бир боғбон, мен сизга чорбоғ.

Болалик чоғимни ҳамон эслайман,  
Яйраб яшагандим гўё бир подшоҳ,  
Ўша кезларимни мудом қўмсайман,  
Қайтмайди, бофу-тоғ, далалар гувоҳ.

Еттидан ўн олти ёшгача тергаб,  
Ўқишишларим пойлаб юрдингиз.  
Чироқ ёруғида, сандалда терлаб,  
Имтиҳон қилдингиз, синаб кўрдингиз.

Гўрўғли, Алномиш, Барчиной каби,  
Достонлар бир тунда ўқилар эди.  
Қўлингиз бир тутам ҳунар мактаби,  
Гиламлар шу тунда тўқилар эди.

Иш билан кетсам-да, кетсам сўроқсиз,  
Урдингиз, кўчада юрма деб саёқ.

Ёмоналик йўлидан мутлоқ йироқсиз,  
Хаёт китобидан бердингиз сабоқ.

Ўсмирлик ўтганди анча мураккаб,  
Чунки интизомни қўйдингиз устун.  
Ҳукуқшунос бўл деб қўллаб, етаклаб,  
Ўн ёшимдан илм бердингиз ҳар тун.

Бўш вақting кетмасин бўлса ул гарчанд,  
Дея ўн беш ёшдан ишга бурдингиз.  
Ота дурадгорми, дурадгор фарзанд,  
Ҳунар олишликка ундаб кўрдингиз.

Онгли қарашингиз бир олам зиё,  
Келтирди, ҳаётда татиди чунон.  
Машақатли кунлар қолди зим-зиё,  
Ва лек атрофимда юрдингиз гирён.

Талаба чофимда мен-ла Самарқанд,  
Бордингиз, овқатим ош, қийма, норин,  
Аччиқлик бермасдан бериб асал-қанд,  
Неварам дедингиз жондан ҳам ширин.

Шунчалар кўпмиди сиздаги меҳр,  
Меҳрингиз қадрига етолмай қолдим.  
Мени деб ёндингиз, қилдингиз сеҳр,  
Сеҳрингиз қадрига етолмай қолдим.

Сизнинг хизматингиз тайёр бир достон,  
Аммо ёзишликка қаламим ожиз.  
Қўёз юниб кетдингиз, олам зимистон,  
Сизнинг меҳрингизга қонмадим ҳаргиз.

Пушаймон ёшларга тўла кўзларим,  
Мангу барҳаётсиз, лазиз онажон.  
Ҳоки-пойингизга суртай юзларим,  
Мендан рози бўлинг азиз онажон.

Қўл очдим дуога, ёнимда Хизр,  
Оллоҳдан сўрайман ўтиниб бешак.  
Жаннат эшиклари Сизга мунтазир,  
Охират йўлингиз бўлсин гул-чечак.

## БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Алифбе сабори олганимнинг 30 йиллиги  
муносабати билан биринчи ўқитувчим,  
муҳтарам Эрмамат ака Суяровга дил  
изҳорим

Мен сиздан узоқда юрсам-да бироқ,  
Қадрдан номингиз оламан тилга.  
Сиздек буюк зотдан бўлмайин йироқ,  
Дея эзгу ният соламан дилга.

Сиз илк бор тутқазиб менга «Алифбе».  
Бу олам илмидан бергансиз таълим.  
Ҳижжалаб ҳарфларни номин бе, те, се...  
Нур, зиё сочдингиз бўлгин деб олим.

Сиздан-ку нафақат алифбе сирин,  
Ҳатто ўрганолдим тўғриликни ҳам.  
Эзгулик, ҳақгўйлик нақадар ширин,  
Худбинлик, разолат бошни этар ҳам.

Кўз очган биринчи ўқитувчимсиз,  
Пойдевор сабоқни берган зиёкор.  
Маърифат борининг боғбони ҳам сиз,  
Сиз эккан мевалар бари ҳосилдор.

Довюрак инсонсиз, жангга мардона,  
Кириб бородингиз қарши фашистга.  
Душманнинг ўқларин донама-дона,  
Қайтара билдингиз қонхўр нацистга.

Урушни хотирлаб, сев деб Ватани,  
Ўқтирас эдингиз дарс-суҳбат чофи.  
Иймон келтираман тозалаб тани,  
Сизда яхшиликнинг йўқдир адоги.

Улуғлар улуғи пиру устозим,  
Сиз зотга таҳсинлар бўлсин ҳар доим.  
Ҳаётман, эгилиб қиласман таъзим,  
Соф бўлинг биз учун азиз муаллим.

## **ҲАЙКАЛ**

*Нарпай туман судининг биноси олдиға  
Ўзбекистон Республикаси Мустақилликининг  
беш йиллик түйига түхфа тариқасида  
ўрнатылган «Қонун Адолат тарозисида»  
рамзий ҳайкалига бағишилайман*

Сен бугун турилдинг мисоли бир зот,  
Ониң фариштадек қиёфанд магур.  
Суднинг биносига қўшиб салобат,  
Тахти адолатсан, малика масур.

Қонунни устувор тутмоқлик учун,  
Забардаст қўлинга қиличинг олдинг.  
Барчани бир кўзда кўрмоқми, нечун,  
Кўз боғлаб, ҳар ишга тарози солдинг?

Мақсадинг тарозин тўғри ушламоқ,  
Яхшилик қилганни севиб хушлашдир.  
Адашган кишини йўлга бошламоқ,  
Разолатта қарши кескин курашдир.

Она тимсолида буюксан, буюқ,  
Ҳақни билмоқ доим сенгадир одат.  
Адолат рамзисан жон қадар суюқ,  
Истагинг ҳалқимга баҳту-саодат.

Улур ҳалқим учун хизмат қиласжак,  
Муродинг борлигин мен англаб олдим.  
Ва шунда, Оқтошда доим туражак,  
«Адолат» аталмиш ҳайкалинг солдим.

## ҚАҲРАМОН

Ўзбекистон Республикаси Фаҳрийлар  
Кенгашининг раиси, мұхтарам Бектош  
Раҳимович Раҳимовга бағишлайман

Она юрт ишқида гүё бир мажнун,  
Ёндингиз гулхандек олиб алана.  
Юрт обод ва озод бўлмоғи чунун,  
Жон фидо этдингиз ҳурлик Ватанга.

Меҳнатингиз зое кетмади сира,  
Матонат қатида ушалди орзу.  
Хоразм воҳалик қалблар аслида,  
Сизга талпинади топдингиз обрў.

Қалбнинг ҳароратин айлаб баҳшида,  
Андижон аҳлини қолдирибсиз лол.  
Инсондан яхши ном қолса яхшида,  
Боғишамол дебон қўйибсиз бир хол.

Янги йўл қурдингиз куйлай ногоҳон,  
Буюк ипак йўли узра ҳар томон.  
Самарқанд ҳалқига бўлиб отахон,  
Ишончни оқдабсиз асл Қаҳрамон.

Нарпайнинг донғини таратган элга,  
Жонкуяр ўғлонни ўстирди Оқтош.  
Самарқанд боғларин тўлдирган гулга,  
Ўзбекнинг фахрисиз, Сиз бобо Бектош!

## НЕЧУН КЕТДИНГ

Нарпай туман «Пахтакор овози»  
газетасининг масъул котиби, журналист  
Акрамжон Эрдонов хотирасига  
марсия

Қисқа фурсат дўст бўлдингу,  
дўстим, сен ногаҳон кетдинг,  
«Умид ғунчалари» тузиб,  
очилмай бағри қон кетдинг,  
Газетада номинг қолди,  
мехнатда ном-нишон кетдинг,  
Яхшиликни куйлаб-куйлаб,  
шундай юртдан қаён кетдинг,  
Шогирдларинг йиглаб қолди,  
гул умринг не хазон кетдинг.

Сани қўмсаб йиғлар дўстлар,  
кўзларда қолмай томчи нам,  
Яхши эди дея эслар,  
тошиб кетар юрақдан ғам,  
Жилмайишинг кўз ўнгимда,  
атроф тўла чексиз алам,  
Нечун қон йигламай дўстим,  
дунё ўзи экан бир кам,  
Аҳли дўстлар йиглаб толди,  
сен эса навқирон кетдинг.

Журналистдек қасбни танлаб,  
ўз қасбингда куиб ёндинг,  
Ватани гулга қиёслаб,  
гўё булбул ундан қондинг,  
Адо бўлмас фазилатинг,  
ёмон хулқдан доим тондинг,  
Бу бевафо дунёни сен,  
вафоси бор деб инондинг,  
Орзу-ҳавас бари қолди,  
сен дўстга меҳрибон кетдинг.

Ишлар чала бўлди дебон,  
барча касбдошларинг йиғлар.  
Дард-аламин ичга ютиб,  
ёру-сирдошларинг йиғлар.  
Тобутинг атрофин тутиб,  
бутун сафдошларинг йиғлар.  
Куйиб доку ҳасратингда,  
яқин қондошларинг йиғлар.  
Ўттиз олти ёшда нечун,  
дўстим, сен безабон кетдинг?!

## МУҲАММАД ЮСУФа

Муҳаммаджон, туркман қизга бойланисиз,  
Ўзбек элдан кетмоқликка шайланибсиз,  
Акажоним ўшани деб қийналибсиз,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Ўзбек қизи сиздан юзин бурганмикан,  
Ё туркман қиз юракчадан урганмикан?  
Ашхобода гул кўтариб турганмикан,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Офтоб чиқиб, офтоб ботса кулгичида,  
Хавфли экан, қолмасинлар нур ичида,  
Балки алдаб гапирғандир тил учидা,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Иболиси йўқмикан ҳеч Андижонда?  
Қизлар кўпку Асакаю, Марғилонда.  
Сизда туркман, ўзбек қизлар биз томонда,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Бермас қизин туркман йигит элда ботир,  
Ун ўрнида кўзингизга пуркар атири.  
Гар қўрқсангиз туркман қизлар этмас хотир,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Туркман бориб, «куя» суртиб бўянмангиз,  
Мотда қолиб, «девор ушлаб» суюнмангиз.  
Қайтиб келгач ўзбек қиздан уялмангиз,  
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

## ДҮСТ

Кимлардир бойлигинг учун бўлар дўст,  
Кимлардир дўст бўлиб ташласин дер — пўст,  
Кимлардир дўстдан ҳам излар каму-кўст,  
Мен дўстман иймонни қўйган ўртага.

Дўст бўлар баъзиси мансабинг учун,  
Лек кутар ёнишинг пойлаб кун-тун.  
Нега ёнмайди дер, ёнмайди нечун,  
Мен дўстман иймонни қўйган ўртага.

Дўст учраг бор бўлса сенда гўзал ёр,  
Йўғингда пайт топар инонма зинҳор,  
Ҳушёр бўл ундан дўст билмас сира ор,  
Мен дўстман иймонни қўйган ўртага.

Ёлон дўст қаршингда эгар бошини,  
Кўзидан оқизар сохта ёшини,  
Вақт топиб орқангдан отар тошини,  
Мен дўстман иймонни қўйган ўртага.

Дўстлик абадийдир ҳаёт бир лаҳза,  
Дўстлар кўп самимий, ҳалол, покиза,  
Инонгин, жон дўстим қалбим топ-тоза,  
Мен дўстман иймонни қўйган ўртага.

## **СОГИНИБ КЕЛДИМ**

Ҳижрон ўчорида ёнди ҳар оним,  
Шошилиб-шошилиб сиз томон едим.  
Бир кўриб кетмоқлик бўлди уммоним,  
Дўстим, дийдорингиз согиниб келдим.

Олис самолардан сизни сўрадим,  
Майин саболардан сизни сўрадим.  
Юзи зеболардан сизни сўрадим,  
Дўстим, дийдорингиз согиниб келдим.

Иймонин ютганлар узоқ боришимас,  
Дўстликсиз дунёда инсон қоришимас.  
Офтоб чиқар, аммо кўнгил ёришимас,  
Дўстим, дийдорингиз согиниб келдим.

Қалбимнинг тўрида дўстлик ётади,  
Кўролмас кўзлар кўп, тошлар отади.  
Хиёнат дўстликка ёмон ботади.  
Дўстим, дийдорингиз согиниб келдим.

Майли, душманинг ҳам лаблари кулсин,  
Фамгин кўнгиллар ҳам шодликка тўлсин,  
Дўстликка битта жон минг фидо бўлсин,  
Дўстим, дийдорингиз согиниб келдим!

## ВАФОЛИФ ЎТДИ...

Кечир мени, кечир ё Раб,  
мендин кўп жаҳолиғ ўтди.  
Чашмақонга дард бергувчи  
бир олам жафолиғ ўтди,

Кўрслик бирла кўнгилларга  
аччиқ алам, ғазаб солдим,  
«Тил суюксиз»лигин билдим,  
оқибат хафолиғ ўтди.

Гуноҳим кўп, тавба айтай,  
қабул айла тавбам ё Раб,  
Мен ёмонга дўсту ёрдан,  
нетайким вафолиғ ўтди.

## ОЛЛОХ ВАСФИ

Ислом энг зўр илоҳият,  
хақ Раҳмонни билмоғу,  
Ишончу-эътиқод ила  
Оллоҳни тан олмоқдир.  
Пайғамбарнинг ҳар буйруғин  
сўзсиз адо қилмоғу,  
Аҳлу мўмин мусулмонлар  
дилга иймон солмоқдир.

Исломнинг-чи шарти бешта:  
Оллоҳни бир дейищдир,  
Номоз ибодати дўстлар у дунёда биҳиштдир.  
Рамазонда рўза тутмоқ хўп ўзини тийищдир.  
Закот бермоқ, ҳаж сафари  
илоҳим савоб ишдир.

Мусулмонга бўлди вожиб  
гусл бирла таҳорат,  
Танинг тоза, қалбинг тоза,  
исломку моҳи роҳат.  
Вақти етиб келар бир кун  
барчамизга охират,  
Номоз ўқиб охиратга  
қурайлик роҳи жаннат.

Мен ҳам дўстлар динсизлиқдан,  
ғайридиндан тонаман,  
Саждага бош қўйиб мудом  
Хақни тилга оламан.  
Оллоҳнинг васфида ҳайҳот,  
бир нур каби ёнаман,  
«Ла илаҳо иллалоҳ»ни қалб тўрига соламан.

## ЎЗБЕК АЁЛИ

Тарихнинг эшигин саҳарлаб қоқсам,  
Нодирабегимнинг ҳур шоҳлиги бор.  
Қуёшни орқага қайтариб боқсам,  
Увайсий ғазалкор, жўш урад ёр-ёр.

Темурхон, Улутбек, Бобур, Навоий  
Элим ўғлонларин бордир излари.  
Халқи Турон учун хизмати олий,  
Дунёга келтириди ўзбек қизлари.

Ўзбек аёлисан, борми армонинг,  
Шарқона ифратинг оламга машҳур.  
Қалбинг туби иймон, софдир виждонинг,  
Ватан ишқи билан ёнасан масрур.

Вафою, ҳаёлар сенда мужассам,  
Орастা, ифратли лочин кўз аёл.  
Иболи, зеболи юришинг санам,  
Париваш бир ёрсан, олгувчи хаёл.

Сен мунис онасан тутган беланчак,  
Чамамда сен ойсан, фарзандлар юлдуз.  
Кўлинг гул, оёғинг остида чечак,  
Таъриф қилолмайман топа олмай сўз.

Ўзбек аёлисан — серфарзанд она,  
Оlam аёллари ичра сен ёлғиз!  
Мангу эъзозлайман сени ягона,  
Эл аро довруғинг сўнмасин ҳаргиз!

## **БИР БОҒ ГУЛУ...**

Кишлоқдаги мактаб боғида,  
Гулни отдим чандон саралаб.  
Қолди күп қиз шу гул доғида,  
Илиб олиб қўйдинг унга лаб.

Уйга қайтдинг гулни тутоглаб,  
Эҳтиросдан тинмасди юрак.  
Қанотига бир мактуб боғлаб,  
Совчиликка қўйдинг куркурак.

Шу-шу куртак отди муҳаббат,  
Дилларимиз бўлди муштарак.  
Билки бизни боғлаган албат,  
Бир боғ гулу, ўша куркурак.

## УЯЛМА

Юзларинг яширма, яширма гўзал,  
Нечун яширасан қирмиз юзларни.  
Ошиқ қалб ишқингда тўқиса ғазал,  
Булбул хониши деб тингла бўзларни.

Уялма, уялма, кўзларимга бок,  
Тика олармисан оҳу кўзларни.  
Тошибагир бўлмагин, қолмайин бўйдок,  
Йигит ноласи деб тингла сўзларни.

Уялма, вояга етдинг-ку, ахир,  
Гўдаклик кезларинг унуттин бироз.  
Ҳаётинг лаззати бўлмасин тахир,  
Севишганлар учун чертилсин ул соз.

Уялма, сочингдан силаган чорим,  
Шаршара сочларга бўлгим пайваста.  
Нигоҳимда тургин, ёнсин чирогим,  
Фунча лабларингни тортмасдан аста.

Уят керак, уят, унутма асло,  
Ватанин сотганлар уялсин чунон.  
Отасин топтаган, онасин ҳатто,  
Оқ сутин билмаган уялсин ҳар он.

Камол, қалбига сен қулоқларинг ос,  
Билки, ошиқ бўлмоқ ҳеч уят бўлмас.  
Оташ юрак узра юрагингни бос,  
Оллоҳ жуфт яратган, бошқача эмас.

## ИЛК БЎСА ТАЪМИ

Ёдингдами бир тун,  
Қайтардик икков,  
Келин-куёвларнинг никоҳ тўйидан.  
Май ичмай, масти бўлдик,  
Дил ёнди лов-лов,  
Булбулнинг тундаги сирли куйидан.

Қулоғин мўлжаллаб,  
Тунни бир чертдинг,  
Жаранглади қарс этган товуш.  
Тасодиф юз берди,  
Сен қалқиб кетдинг,  
Кўргандек уйқунгда гўё сирли туш.

Зумда оғушимга,  
Отдинг ўзингни,  
Сездим кўксим узра илиқ ҳарорат.  
Фақат бир дақиқа,  
Юмдинг кўзингни,  
Эридим бир лаҳза жон топиб роҳат.

Лабимга лабларинг,  
Қалбимга қалбинг,  
Чўғ бўлиб ботганди қолмасдан ками.  
Бўлдим мен беҳол,  
Зўр эди зарбинг,  
Қолди лабларимда ilk бўса таъми.

## ДИЁНАТ

Мустақил диёрнинг хушбичим қизи,  
Улғайдинг, юзларинг мисли қирмизи.  
Қошларинг тим қора, кўзларинг чарос,  
Асал лабларингда гулларнинг изи.

Дўстликнинг риштасин бузмагин зинҳор,  
Диёнат бор жойда муҳаббат бисёр.  
Азиз онларингни ўтказ фаровон,  
Севгингни тараннум айласин ёр-ёр.

Шарқона иффатинг тарк этмагин ҳеч  
Мудом орзуларинг осмонида уч.  
То абад бирга бўл муҳаббатинг-ла,  
Синглим, баҳт майидан қонгунингча ич!

## ЮЛДУЗНИНГ ЕРДАГИ ШУЪЛАСИ СЕНМИ

Нурлар жилоланиб юзингдан тошган,  
Юлдузнинг ердаги шуъласи сенми?  
Ёки етолмасдан хунобим ошган,  
Гулларнинг тоғдаги лоласи сенми?

Ҳусн-латофатда бўлиб бетакрор,  
Қаддимни лол этдинг, ларзага соддинг.  
Қўлингни тутмоққа этмасмисан зор,  
Сўролмай лол қолдим, хаёлим олдинг.

Оҳудек ҳуркасан кўз тиккан чорим,  
Аммо юрагингда пинҳондир бир сир.  
Бил, муҳтож сен гулга муҳаббат боғим,  
Кел, боғда севгидан қурайлик қаср.

Келавер.  
Келавер оstonам ҳатлаб,  
Кошона қасрда сени тахт кутар.  
Улуглар ҳар доим келишган асрраб,  
Муҳаббат сиймоли буюк баҳт кутар.

## ВИСОЛ

Санам бериб саломингни  
во ажаб, оромим олдинг.  
Гул юзингта парда тортиб,  
висолинг яшира қолдинг.  
Ҳаё бирла эгик бошинг,  
ақлу ҳушим олиб кетди,  
Қадам босмоқ учун ожиз,  
бўлмоқ азобига солдинг.  
Не бўлсада ўзим тутиб,  
қаршингда дилбар тисладим.  
Тунда тўлган ойми дея,  
паранжинг ол деб қистадим.  
Каломимга парво қилмай  
турганинг кўрганим ҳамон,  
Аlam чекиб кўзларимга,  
ёш олишни ҳам истадим.  
Ташласанг гарчанд нигоҳинг,  
бағри-дилим вайрон бўлур.  
Сал жилмайиб қиё боқсанг,  
бутун дунё ҳайрон бўлур.  
Ҳусни-жамолинг кўрмоқни  
рад этсанг гар, қолмас дармон,  
Сенга айлай жоним фидо,  
ишқинг менла жайрон бўлур.  
Воҳ-воҳ санам, тиниқ чеҳранг  
мунавар айлар жаҳонни,  
Нафосату назокатинг сархуш  
этар ширин жонни.  
Камолга кел, қилгин таъзим,  
жудо бўлар бўлди армон,  
Қўлларингдан емоқ бўлдим,  
висол берган ширмон нонни.

## СЕН ТУФИЛГАН КУН

Ер-күкни ларзага келтириб бир тун,  
Туғилдинг, шодлигим бекиёс бутун,  
Дилбандим, ўзингсан барчадан устун.  
Торимни сайратар сен туғилган кун.

Туғилдинг, туғилди яна бир юлдуз,  
Юзингдан нур томар, елкангдан кундуз,  
Кечалар оймисан, қуёшми кундуз.  
Торимни сайратар сен туғилган кун.

Улрайдинг, порлади бошингда иқбол,  
Ёноғинг гул чаман, лабинг тұла бол,  
Кел санам, ёнима тездә кела қол.  
Торимни сайратар сен туғилган кун.

Кел, зркам, жонимни ҳадя этайин,  
Үличлаб-үличлаб қўлинг тутайин,  
Олис тоғ қўйнига олиб кетайин,  
Жонимни яйратар сен туғилган кун.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Ишқ бобида юзида ор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор,  
Бахт майидан туни бедор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Нурафшон бўлмиш юраклар,  
ёр зиёси бирла олам,  
Нозу ишваси мафтункор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Тарқ этмагай каломини  
ибо ила ҳаё ҳеч ҳам,  
Ажаб, санам умри чинор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Жонни фидо айласанг гар,  
ҳар жонингга аро эзур,  
Карашмали юриши нор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Лутфу жамолин кўрсатиб  
қалб тўрига қувонч берур,  
Муҳаббатга боғи гулзор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Юз ниқобин тортсанг агар,  
тунларингга нур ёғилур,  
Қалб тебранса қиши баҳор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Бахт қасридан макон берсанг  
лабларидан дур сочилиур,  
Босган изи гули рухсор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

Садоқатнинг кўчасида  
вафоли ёр топса чунон,  
Ёр йўлига кўзи хумор,  
ўзбекнинг ҳур қизлари бор.

## КУЛГИЧИНГ КҮРСАТ

Не сабаб ўксиниб йиглайсан гўзал,  
Дилозор ким экан бунча бешафқат?  
Нечун сенга хўрлик кўрсатар ҳар гал,  
Шумикан оқибат, қани диёнат?  
Йиглайвер, юрагинг гар топса роҳат.

Табиат йиглайди, йиглаганда сен,  
Тоғлар хўнграшади бўлиб бетоқат.  
Йигла майли, йигла, ёнингда бор мен,  
Қалбингни губордан тозалаб бўшат  
Ва сўнгра жилмайиб кулгичинг кўрсат.

Сен кулсанг жилмаяр қуёш, ой масъум,  
Кулиб қарашади, ҳаттоки гуллар.  
Дурларинг кўрсатиб қилсанг табассум,  
Юлдуз ханда урар, сайрап булбуллар.  
Сарвим, қувончингдан яйрайди диллар.

## **ЙИГЛАМА**

Бунчалик йиглама муҳаббат учун,  
Муҳаббат афсона, муҳаббат ёлғон.  
Тақдир азалийдир билмадим нечун,  
Тақдирга тан бермай йиглайсан ҳамон.

Йиглама, тез кунда кетади булут,  
Сенга ҳам кулади тақдир қүёши.  
Бошингда баҳт қуши қанотидан тут,  
Майли, сүнгра томсин қувонч кўз ёши.

## **НИГОХ**

Нечун термуласан лом-мим демасдан,  
Киприкка зарб бериб ташлайсан нигох.  
Барно қыз ёнимга яқын келмасдан,  
Бағримни термулиб тирнайсан, эвох.

Айтчи, нигоҳларинг бу қадар сирдош.  
Нурлари санчилар түгри юракка.  
Менинг күзларим ҳеч беролмас бардош,  
Бунча шоширмасдан ўтгин тилакка.

Биламан, севасан айтолмайсан ҳеч,  
Ўткир нигоҳларинг куйдирар тани.  
Қалбда тўлиб ётган дардларингдан кеч,  
Айтолсанг садақа айлайман жонни.

Ҳар бир нигоҳингда кўраман меҳр,  
Бахшида айлайсан киприклар ора.  
Ўйлайсан кўз билан қиласман сеҳр,  
Нечун тилинг билан айтмайсан сира.

Севгидан сўзламоқ барчага одат,  
Ташвиш туширмагин оху кўзларга.  
Истагим бир олам бахту-саодат.  
Оллоҳ насиб этсин йигит-қизларга.

## ХАЁЛ

Хаёл ҳавзасига чўмилиб бир тун,  
Ўтиргандим ёлғиз ҳовли бурчида.  
Оҳис қимиirlади елкамдаги тўн,  
Нахос тегингандек бармоқ учида.

Елкам узра секин бурилиб боқсам,  
Сўлим ой туради соchlарин ташлаб.  
Ишонар-ишонмас тўнимни қоқсам,  
Талпинди, борлигин менга бағишлиб.

Деди: осмонингда қуёшдан қочиб,  
Дарёларда тўлқин бўлиб тошаман.  
Қуёш бобо мудом нурларин сочиб,  
Излайди. Мен эса сенга шошаман.

Дедим: не истайсан муродингни айт,  
Нечун қўрқитасан титратиб мени?  
Тубанлик истасант йўлларингдан қайт,  
Кўкларга бахшида айлайман сени.

Деди: қалбинг чимир-чимир сўзлатиб,  
Кўзларинг кулганин ҳислаб сезаман.  
Шодлик бўлиб, ғам ғуссангни музлатиб,  
Лабларингда бўса барин сузаман.

Шунда сархуш айлаб ҳусни жамоли,  
Худди оғушига тортгандек бўлди.  
Ой бўлса-да экан таъми ширали,  
Сукунат олами севинчга тўлди.

Лек Ой абадийдир, аммо мен меҳмон,  
Ахир ким кетмайди, мен ҳам кетаман.  
Ойлар алдовига учсам-чи, виждан  
Мени-ла тарк этар, шунда нетаман?!

## АТЕИСТГА

Кузатдинг, ўргандинг, аммо бари бир,  
Табиат тубига лек етолмадинг.  
Ким яратган бунча сеҳрни ахир,  
Десалар сабабин ҳеч айтолмадинг.

Айт билсанг, қаерга шошади қуёш,  
Түнлари қаерга ётаркан кириб?  
Ой баъзан губордан кўтаради бош,  
Гоҳида чалқанча ётади ҳориб.

Айт билсанг, қаердан яралмиш төвлар,  
Нечун тош тагида қайнайди булоқ?  
Сигир учганми ҳеч, учади зоғлар,  
Нега қўзи сира бўлмайди улоқ?

Атеистман дея ютиб иймонни,  
Одамлар маймундан тарқалган дединг.  
Етмиш йил майнасин қоқиб инсонни,  
Мисли бир каламуш ақлин кемирдинг.

Ақл-заковатда бўлсанг зиёда,  
Айт қачон маймунлар тукқанди одам?  
Мавҳум куч кўп, албат, сирли дунёда,  
Ўн саккиз минг олам яралмиш зодам.

Яратмоқ қудратга эга ягона,  
Оллоҳга шукронга айтай халойик.  
Таҳсину мақтовга эмас бегона,  
Буюклар буюги, Оллоҳим лойик!

## ТАБИАТ

Нақадар сирлидирсан ҳар ишинг менга  
жумбок,  
Сеҳрингдан ўйга толиб дил сиёҳ бўлдим,  
мано.  
Ҳар соний мўъжизасан, тунларинг ўн беши оқ,  
Сирларинг билмай нолиб дил сиёҳ бўлдим,  
мано.

Сенدادир еру осмон, ой-келин, куёв-куёш,  
Қуёш ойни тутолмай қўярди ер узра бош.  
Ой эса қуёш томон сузилиб қоқарди қош,  
Келинни кўргач ғолиб дил сиёҳ бўлдим, мано.

Юзига парда ташлаб ой сузар узра фалак,  
Пардасин тортдим аста, кўзлари зарак-зарак.  
Қайта қочди ёрим, деб қуёш сўрарди дарак,  
Тилларим сўздан қолиб дил сиёҳ бўлдим,  
мано.

Қуёшнинг жаҳли чиқиб, келин томон отди  
тош,  
Келин эса куёвнинг тошига берди бардош.  
Қуёш ойга эгилиб, бир ёстиққа қўйди бош,  
Чимилдиққа жой солиб, дил сиёҳ бўлдим,  
мано.

Оқибат жанг тугади, айбларин ювди булут,  
Жонланиб кўз ёшидан чайқалди ерда кўк ўт.  
Табиатни тушунмай Камол ҳам қилди сукут,  
Қўлимга қалам олиб дил сиёҳ бўлдим, мано.

## **СЕН ТУПРОҚСАН...**

*Одобни ердан ўрганинг.  
Ҳагис.*

Сен тупроқсан, оддий, камтарин,  
Одам сендан яралсаки ҳам.  
Мен одамман, менга офарин,  
Кеча, бугун ёниб турган шам.

Сен хокисор, кибрдан йирок,  
Күттармайсан бошингни ҳеч ҳам.  
Менчи, тумшук күтариб күпрок,  
Манманлиқдан күраман күп ғам.

Сен оқилсан, сезади дилим,  
Мени эса юрагим совуқ.  
Гийбат сўздан йигмайнин тилим,  
Нодонлиқдан бўламан ёвуқ.

Сен содиқ дўст, билки инчунун,  
Узоқ кетмас ой, қуёш, юлдуз.  
Бир қараща инсонман нечун,  
Дўстим дилин тирнайман ёвуз.

Сенда бордир ҳам сабр-тоқат,  
Мавжудоссан, жонсиз бир ночор.  
Менга ётдир инсоф, қаноат,  
Сўнг йиғлайман афсус деб, зор-зор.

Нафсу-хирсни қўйиб мен афзал,  
Ўзимни ҳеч тия билмайман.  
Деразадан кирса ҳам ажал,  
Бир кун тўхта, тўймадим дейман.

Виждон сотиб, иймоним ютиб,  
Босар йўлим билмай қоламан.  
Ва охири бошимни тутиб,  
Сенга қараб ўйга толаман.

Чилчироқдек қисқа бу ҳаёт,  
Лов этади, ёниб ўтади.  
Сен қоласан, мангу, барҳаёт,  
Мени эса бағринг кутади.

Бу дунёдан топгач ниҳоят,  
Ўлтираман сенга юзларим.  
Ўшанды сен қучоқлаб албат,  
Тўлдирасан очвоқ кўзларим.

## ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

Юлдузлар самодан кетгач олислаб,  
Тонг кўзинг уқалаб, кипригин қоқди.  
Табиат кўксини мунааввар айлаб,  
Тоғлар орасидан оламга боқди.

Оддий тонг эмас бу, тонглар эркаси,  
Озодлик, ҳуррият — истиқлол тонги  
Энди ўзбегимнинг кулсин эртаси,  
Дунёни тутмоқда азалий донги.

Ўзбек тонги ёруғ, элим нурафшон,  
Қуёш нури заррин авж олгин ҳаёт.  
Мавж ургин, завқданиб азим Зарафшон,  
Еру фалак сен-ла туганмас баёт.

## ШОИРНИНГ ТУШИ

Самодан саломга келганды зужал,  
«Балиқ» коинотдан сүнган бир маңал.

Туннинг қучоғида сезди ўзини,  
Үша тун сехридан юмди кўзини.

Кашмирлар жодуси ўқиди баёт,  
Мужгонлар ортида қолди ул ҳаёт.

Теградан балқ урди кошона қаср,  
Ўн саккиз ёшли қиз шу уйга асир.

Майин шабодада тебратиб сочин,  
Майсалар поёндоз, йўл-йўлак сокин.

Кириб бориш чоғи кўча тарафдан,  
Йўлига сочдилар гули садафдан.

Гулсафсар, тунафша чиқиши пешваз,  
Ортидан печакгул чертиб келди соз.

Гулларниңг султони гултоҗихўроз,  
Гул сочиб бошидан, қилди хўп эъзоз.

Энг тўрги хонага кирганди ёлғиз,  
Ўрнидан турганча кутиб олди қиз.

Кўрпача тўшалди қоқгул патидан,  
Дастурхон ёзилди наргис қатидан.

Райхонгул баргидан келтирди қуймоқ,  
Атиргул сутидан тортилди қаймоқ.

Чой дамлаб келтирди хушбўйли ялпиз,  
Деди, меҳмон бўлинг жон қадар азиз.

Ялпизнинг ортидан қараб ҳамоҳанг,  
Деди, наҳот, шунча ҳаёт ранг-баранг.

На бунча термулдинг? — дея барно қиз.  
Шошганча ёнига келиб чўқди тиз.

Ой каби тўлғанди, висолнинг шашти,  
Файзлидек туюлди, ҳаётнинг гашти.

Фарҳоддек ташланди чидолмай ортиқ,  
Ўйлади қизгина Оллоҳдан тортиқ.

Опичлаб, опичлаб илиқ ҳис этди,  
Ўша пайт дераза охис қирс этди.

Нагоҳон кўзларин очсаки саҳар,  
Шоирни қучоқлаб турарди баҳор.

## ГУЛТОЖИХҮРОЗ

Бир ғарип күнгүлни шод айлаб бешак,  
Сирли қарашларинг бирам мафтуңкор.  
Анвойи бир гулсан, япрогинг безак,  
Ястаниб туришинг анча жаэмдор.

Гоҳо ўтганимда маъюс ҳам бўлдинг,  
Қовоғинг уюқди, кўзларингда ёш.  
Баъзан жилмайдинг-гу, «хо-хо»лаб кулдинг,  
Юзларинг баҳмалдек қирмизи қуёш.

Кўзларинг пирпираб чимрилди қошинг,  
Гулларнинг султони гултоҷихўroz.  
Лабларинг шивирлаб эгилди бошинг,  
Ишваларинг недур, саломми ё ноз?

Тунлар орасида келган чоғларим,  
Дардли юрагимга қўлларинг солдинг.  
Қалбимни қийнаган кўнгил доғларим,  
Тирноқ учларида оҳиста олдинг.

Ёноғимга лабинг қўйган чорингда,  
Лаҳзалик сукунат жуда тез синди.  
Энтиккан кўнгиллар гулзор боғингда,  
Аланга олдию, оромдан тинди.

## КОР

Қорсиз қишини қылғаңдик инкор,  
Етиб келди совуқ изириин.  
Деразадан күріндию қор,  
Күвнаб кетди гала үспириин.

Жамшид, Бобур олиб чангисин,  
Чопиб қолди гузар оралаб,  
Баҳора-чи сатил янгисин,  
Дастор қилди қорбобо ясаб.

Корхат ёзиб Ҳаёт ва Соат  
Ташлаб қочди айтиб шартини,  
Қарз бұлмаслик учун Иnobат,  
Тутиб олди икки хатчини.

Ферузаю, Умида ё Раб,  
Яйраб олди ўйнаб қорбүрон.  
Жажжичалар шеър айтиб сайраб,  
Қор устида суришди даврон.

Аёз бобо чертарди созин,  
Лек, айтмасди табиат сирин.  
Хеч ким сезмай лайлак қор нозин,  
Ўйнашарди биринма-бирин.

Қўни-қўшни, болалар наҳор,  
Олар эди қорнинг гаштини.  
Қор остида интилар баҳор,  
Аммо, аёз босди шаштини.

Ёғаверсин пага-пага қор,  
Шодон кулсин қувноқ болалар.  
Қор ёғсачи түлади омбор,  
Гул бўлади боғу далалар.

## ФОЗ ЭДИ

Катта бир боғ, атроф музлик,  
аммо күнгил ёз эди.  
Қиши гаштини сурмоқликка  
дәврамиз хүп соғ зди.  
Аҳли дўстлар жам бўлишган,  
кимда рубоб, кимда тор.  
Жўш урган базми жамшидга  
какликлар ҳамроҳ зди.  
Сержило ул тоғ бағридан  
отилиб учқур қизлар,  
Қояларда чанғи сузар,  
асли иоми боз зди.  
Муз устида гулхан ёқиб,  
шўх йигит, барно қизлар,  
Дил нурағшон, ул рақслар  
ишва эмас, ноз зди.  
Зўр қаҳқаҳа, шўх кулгилар  
завқи бир оламга тенг,  
Арқон фалак ўйнамоққа  
кўплари дорбоз зди.  
Оlam патли қарға мудом  
айланиб еру фалак,  
Сайёқ эмас, давра узар  
ўргилиб пешвоз зди.  
Камол, кўргин тоғ ўйини —  
дам олишнинг файзи бу,  
Қор қўйнида отиб олган  
чумчук эмас, фоз зди.

## ЭЙ ФАРЗАНД

Фарзандим, түгри бүл, қылма хиёнат.  
Сүзлама сира ҳам ёлғонни ростдек.  
Ёлғон сүзламоқни қылмагин одат,  
Ростинг ҳам ёлғонга айланар хастдек.

Берган сүзларингни вафосин билгил,  
Ваъдасин бажармоқ асли зўр сифат.  
Тилу забонингга эгалик қилгил,  
Шунда сен халқингдан топурсан ҳурмат.

Ёмонлик бўлмасин зинҳор базинҳор,  
Ёмоннинг юзига боқмас ҳеч кимса.  
Тарк этмасин қалбинг эзгулик-баҳор,  
Ажабмас ўшанда эл-элат севса.

Дил сўзим олсанг гар қўполлик қылма,  
Қўполдан худо ҳам безор билсанг гар  
Дилхуш сўз сўзлагин, аксин хушлама,  
Яхшилик ҳар инсон умрини безар.

Уқиб ол, гапирмас керагин «ёлғон»  
Гар ваъда берсанг-чи, бажаргин шу он.  
«Ёмонлик» истама, бўлма бадгумон,  
«Қўполлик» эса-чи, ёмондан-ёмон.

## **ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИК..**

Вох, разолат энг хунук иллат,  
Уңдан мудом қочган яхшилар.  
Бир разилни топса гар элат,  
Диёнатсиз дея қамчилар.

Разилларни Оллоҳ ёт билар,  
Қилсаки ул кимга хиёнат.  
Разиллигин тезда қайд қиласар,  
Фарзанд учун орттириб албат.

Ари қўймас бадбўйли гулга,  
Чунки унинг заҳари бордир.  
Во ажабо, дилхуш булбулга,  
Хушбўй гуллар доим хумордир.

Шундай экан, яхшилик доим,  
Элу-халқим дилин жўш этар.  
Яхшилик-ла боссанг бир одим,  
Авлод-аждод номин хуш этар.

Тарк этмасин қулоғинг нолам,  
Эзгу ишлар бўлсин ҳамроҳинг.  
Яхшилик қил, яхшилик болам,  
Нурга тўлсин доим даргоҳинг.

## **ҲАСАД**

Билинг дўстлар, ҳасад энг ёмон,  
Пасткашлигу, тубанлик ахир.  
Ҳасад доим келтирас зиён  
Бўлсин дея ҳаёти тахир.

Яқин борма, ҳасадгўй чаён,  
Заҳар солмоқ ниятда юрар,  
Омад кулса сенга-да аҳён  
Ўтин каби ёниб кул бўлар.

Янгиликка ҳавас-ла боқмас,  
Аммо чопар атрофда гирён.  
Яхши ишлар унга ҳеч ёқмас,  
Амалталаб югурадар ҳар ён.

Ҳасадга дўст бўлмоқлик осон,  
Аммо ундан кутулиб бўлмас.  
Ҳар кимсанинг қалбида иймон,  
Ҳасад ила келиша олмас.

Шу боисдан оқил донолар,  
Ҳасадчидан мудом қочишар.  
Гўзаликда тенгсиз барнолар,  
Ҳасад кўзга тупроқ сочишар.

Яхши ишнинг бошида шодон,  
Эй, ёронлар бирга турайлик.  
Қабиҳ ният, ҳамда зўр нодон  
Ҳасадчидан йироқ юрайлик.

## СОЯ

Юрсам юрдинг, тұхтасам турдинг,  
Билмам нечун термулдинг менга.  
Киприк қоқмай боқиб ҳам күрдинг,  
Танимайин қолдингми, нега?

Айт-чи, ёхуд бирон айвоқчи,  
Қучогига олиб сүйдими?  
Ушлаб олай бўл деб пойлоқчи,  
Йўлларимга сени қўйдими?

Гоҳ ортимдан, гоҳи ҳар ёндан,  
Сездим, қаён борсам борасан.  
Фисқу-фасод ширин деб жондан,  
Ҳасадгўйлар кўрган чорасан.

Йикитмоққа бўлмагин қоя,  
Тузоқ турмоқ сенга ярашмас.  
Кўрқарсанми дўзахдан зоя,  
Фийбатчига Оллоҳ қараашмас.

Дўзах яхши десалар агар,  
Шайтон гапи, асло кўнмагин.  
Нурлар солган соя бўлсанг гар,  
Мангу юргин, ҳеч ҳам сўнмагин.

## **НАФС**

Эй фарзандим дунёда,  
Нафсинг бўлса зиёда.

Машаққатинг ҳад эрур,  
Хаётингта зарб берур.

Кўзларга тик қарай бок,  
Ҳар бир нафсдан бўл йирок.

Ўгитларим тез илгин,  
Хавфли душман нафс билгин.

## ИСТАЙМАН

Сен жононга ташна қалбим, шому-тонг дийдор  
истайман,  
Күнгил торини чертишга бағрингдан гулзор истайман.

Хусни-жамолинг тафтидаи бутун оламга тушди ўт,  
Қора зулфинг соясидан бир паноҳ бисёр истайман.

Ҳар бири бир камон қошинг, найза ўқдир ҳар  
нигоҳинг.  
Васл сандигин очмасанг кокилингдан дор истайман.

Гулбадан, лаъли лабингдан ичирмасанг бир томчи май,  
На ҳожат менга яшащдан, қалбингдан мозор  
истайман.

Эй нигор, ҳеч ўлдирмагин ишқингда бир девонани,  
Икки дунё гулшанида фасли навбаҳор истайман.

## **МЕҲНАТ**

Ижтимоий фойдали меҳнат.  
Саодатга элтувчи бир йўл.  
Ҳам насиба, ҳам обрў-иззат,  
Бахт чўмилган азим дарё, кўл.

Дерлар, меҳнат бил таги роҳат,  
Ризқинг кулиб боқади обдон.  
Ҳар бир ишда кўрсат шижаот,  
Меҳнат йўлинг бўлсин чароғон.

Дарҳақиқат, меҳнат шуҳрат-шон,  
Гўзал турмуш, фаровон ҳаёт.  
Камол, сира бой берма имкон,  
Меҳнат қилган элга бўлмас ёт.

## ТҮРТЛИКЛАР

Очкүэлик ҳайвонга хос бўлган одат,  
Шу боис одамлар қочади ундан.  
Кўзи тўқ, инсонга баҳту саодат,  
Келади ғойибдан, Оллоҳ томондан.

\* \* \*

Моддий неъматлардан тўпланган бойлик,  
Биламан, бор-йўғи бир неча ойлик.  
Маънавий бой бўлсан асрлар ошар,  
Эзгулик йўлида минг йиллаб яшар.

\* \* \*

Моддий бойлик тўплаб қолдирсан ҳам кам,  
Болам, болам билан бўлади душман.  
Маънавий бойликни қилиб берсан жам,  
Дунёдан ўтсамда рухим шод, хушман.

\* \* \*

Адолат қиличин кучли зарбидан,  
Разиллар, қабиҳлар титрасин ҳар он.  
Эзгулик жой олиб улар қалбидан,  
Жабр ва зулмлар қочсин ҳар томон.

\* \* \*

Мансаб ўткинчиdir ионма ҳарчанд,  
Қўлингдан қуш каби учадир бир кун.  
Мансаб деб инсонни ранжитсанг гарчанд,  
Дўзах мунтазирдир ташрифинг учун.

\* \* \*

«Камтарга камол» дер доно халқимиз,  
Камтарлик — гүзәллик, ақл, фаросат.  
«Манманга завол» дер яна халқимиз,  
Манманлик — худбинлик, оғир касофат.

\* \* \*

Манман одам сира сени күрмайды,  
Йүқ, йүқ күзи бор, аммо илмайды.  
Хавойи гаплардан нари юрмайды,  
Үзидан ўзгани одам билмайды.

\* \* \*

Разолат истаган — разолат топур.  
Қабоқат истаган — қабоқат топур.  
Ҳар кимнинг феълига яраша бордур,  
Адолат истаган — адолат топур.

\* \* \*

Томчиласин лаблардан шира,  
Кўнгиллар ҳеч тортмасин хира.  
Азизларим, бир биримизни,  
Хуш этайлик, ранжитмай сира.

## АРМОН

*Никоҳни бекор қилишиңи сүраб  
сугра келган аёлга*

Кечани тонгларга улардинг бедор,  
Мактуб битар эдинг, юрак ловуллар.  
Тушларда кўрмасанг, кўксингда озор  
Усиз хаёлингда тананг ҳувиллар.

Тишингни тишингга босиб ҳам кўрдинг,  
Висол дамларига бўлиб интизор.  
Ўзингни ўтга ҳам, чўқقا ҳам урдинг,  
Куиишдан кул бўлдинг, қалбинг гуноҳкор.

Висол оқшомида тунни ларзага,  
Келтириб оғушдинг, юлдузлар гувоҳ.  
Асал ойи кириб ширин лаҳзага,  
Алмашдинг дунёning ишларин э, воҳ.

Бугун эса бошинг эгмайсан ҳеч ҳам,  
Ишқнинг қалбига тик берасан зарба.  
Оқибат савдоинг келтирас кўп ғам,  
Оиланг устида даҳшатли замба.

Қозилик вазифам, тинглашлиқ фарёд,  
Оила — муқадас, дейман ул — Ватан.  
Нафақат сен борсан, жажжи зурриёд  
Унда улфайиши жоиз, дафъатан.

Оилант тўзмасин, тортмагин армон,  
Камол ўгитин ол, муродингта ет.  
Қалбларга дарз кеттач, ейсан пушаймон,  
Никоҳингни сақла, ўз уйингта қайт.

## НИДО

*Фарзандларидан безган ота-оналарга*

Табиат гўзалдир, қабоҳат хунук,  
Боласии ташламас бирон бир жонзод.  
Инсон қиёфали бўлса-да нечук,  
Боласин ташлайди баъзан одамзод.

Агар узоқдашса сигир бузоқдан,  
Бўкирар овозин борича мўнграб.  
Айрим оналар-чи қўрқмас дўзахдан,  
Боласи қолади ортидан ҳўнграб.

Қарға боласига тегсанг чўқийди,  
Важоҳатда кучли балки аждардан.  
Фосиқ хотин эса фийбат тўқийди,  
Боласин бэздирар ҳиссиз вожлардан.

Чувалчанг ота ҳам излаб боласин,  
Қидиради лойдан ахтариб, кезиб,  
Нодон оталар-чи она алласин,  
Эшитиш истамай қочади бэзиб.

Қирмизи қонинг-ла йўғрилган тани,  
Дунёга келтириб, сўнг ташлаб қочдинг.  
Юзингни тимдалаб, ёт деб Ватани,  
Ўзгани қидирдинг, меҳрингни сочдинг.

Ўз боланг сенинг-ла меҳрингта зордир,  
Ўйла, кимларнингдир қўлида ул хор.  
Мунгсиз йўллар узра кўзи хумордир.  
Бемехр экансан, аччиғи ҳам бор.

Мурғак юракларда аламли бир дара,  
Тирнайди тобора чуқурроқ ботиб.  
Кўз ёшин оқизиб сен ота номард,  
Болангий ташладинг виждонинг сотиб.

Отаю онани меҳрига қонмас,  
Бола, кўзи ёшли тўлиб соғинчдан.  
Шунда ҳам фарзандлик бурчидан тонмас,  
Аммо, қайғуради толиб ўқинчдан.

Балки қорни тўқдир бўлса-да етим,  
Маънавий очлитин ўзи бир даҳшат.  
Зинокор инсонга чидамас бетим,  
Боласин истамай истайди шаҳват.

Қани аёлдаги иффат, нафосат,  
Дангаса эрларнинг шуури қани?  
Қани оиласа меҳр-оқибат,  
Ўзбекнинг шарқона ғуури қани?

Ота ё онаси яшаб кошона,  
Наҳот етимликда қотса боласи.  
Ёхуд чўри бўлиб хонама-хона,  
Ларзага келтирса саси, ноласи.

Тинглагил эй инсон, куймай иймонинг,  
Ақл тарозисин сира бўш тутма.  
Билки ҳаёт қисқа, фарзандинг номинг,  
Ўзгадан иссиқлиқ, фароғат кутма.

## НОЛА

Етимхонадан чиққан сас

Бевақт очилган гул меваси здим,  
Таъминг аччиқ дединг, кўтардинг фарёд.  
Аччиқ мевачалар жойига келдим,  
Ахир мен болангдим, эмасди-ку ёт!

Ҳамма падардору, лек мен падарсиз,  
Анинг сабабига кўзим боғладинг.  
Ўша кемтиклик ҳам каммиди ҳаргиз,  
Юрагим танамдан жудо айладинг.

Ҳатто тикан босган қўлсиз кипри ҳам,  
Боласи сийпалаб, юмшоғим дейди.  
Танаси тим қора қўнғизча мудом,  
Жажжисин эркалаб, оппогим дейди.

Қиёфанг инсону, аммо йўқ шафқат,  
Оналик туйфуси сенга бегона.  
Болангга кўрсатмай бир лаҳза роҳат,  
Қафасга ташладинг мисли бедона.

Мен ҳам истардимку она алласин,  
Ахир сен ҳам она, бағринг нечун тош.  
Эшиггин энди сен бола ноласин,  
Ташладинг, қалқиди кўзларимда ёш.

Мен аччиқ фарзандга ширинлик бисёр,  
Лек йўқдир онанинг меҳри гиёси.  
Бопиқалар отаси, онаси ҳам бор,  
Менинг ота-онам давлат зиёси.

Ҳайф сенга оналик, қилдинг-ку бадном,  
Тириклай болангни гўрга супурдинг.  
Покиза оналар учун сен дашном,  
Она деган улуғ номга тупурдинг.

Афсус, надоматга бўлди энди кеч,  
Болангни ташладинг, номусинг сотдинг.  
Ўйлама сен мендан қутудим деб ҳеч,  
Қилмишинг дўзахбоб, гуноҳга ботдинг.

## **ЖИНОЯТ**

Қонун билан тақиқ этилган,  
Хам жиной жазо битилган.  
Ижтимоий хавфли ҳаракат,  
Сен эмасми, айтчи жиноят?

Кечә ёки демайсан күндүз,  
На вақтини, на танлайсан жой.  
Инсон учун ниятинг ёвуз,  
Дөвдиратиб, кечирасан лой.

Одам ақлин олмоқчи бўлиб,  
Шайтон каби кирасан дилга.  
Сўнгра кўзлар қонимон тўлиб,  
Қасд қиласди эгрилик йўлга.

Топиб олиб заиф ё нодон,  
Гиж-тижлайсан ичирасан қон.  
Ўзга мулкни талатиб чандон,  
Дангасага едирасан нон.

Жамиятга келтириб зарар,  
Кўпчиликка соласан ташвиш.  
Сенга ҳамки жафо муқаррар,  
Жазо топар жиноий қилмиш.

## ЯНА ҚҮЙДИНГ ЛАБЛАРИМГА ИЗ

Оқ оқшомлар қўйнида ёлғиз,  
Ёлғиз ётар эдим оппоқ қиз.  
Муҳаббатнинг шарбатин суртиб,  
Қўйиб кетдинг лабларимга из.

Бежиз эмас, синоат бу из,  
Ёниб, ёниб одор бўлдим қиз.  
Сокин тунлар бўйнидан қучиб,  
Бедор бўлдим, озор бўлдим қиз.

Қалблар эгиз, муҳаббат эгиз,  
Ҳис-ҳаёжон, ҳарорат эгиз.  
Минг бир жоним, жаҳоним исор,  
Қадамингга, мен истаган қиз.

Оқ оқшомлар қўйнида ёлғиз,  
Ёлғиз ётар эдим оппоқ қиз.  
Ишқ жомидан шароб тутқазиб,  
Яна қўйдинг лабларимга из...

## ЎЗБЕК ҚИЗ, ОЙ ҚИЗ

Ўзбекистон ҳалқ артисти  
ЮЛДУЗ УСМОНОВАГА

Халқимнинг қалбига кирмадинг бежиз,  
Ватаним гултожи талантга бой қиз.  
Сен ўзбек куйчиси дунёда ёлғиз.  
Ватанин мадҳ эттан ўзбек қиз, ой қиз.

Ҳаттоки хориждан порлаган ўзинг.  
Хабашни деңгизга чорлаган ўзинг.  
Дунё ҳам тан олди ўзбекча сўзинг.  
Ватанин мадҳ эттан ўзбек қиз, ой қиз.

«Баҳор» қизларидан Ҳинд бўлган беҳол,  
Шарқда Муножат бор, сен юлдуз, Зуҳал.  
Дунё сеникидир олавер, тез ол,  
Ватанин мадҳ эттан ўзбек қиз, ой қиз.

Сен гулга ошуфта бугун кенг жаҳон,  
Дунё булбулисан, Камол ҳақ, инон,  
Ўзбегим баҳтига доим бўл омон,  
Ватанин мадҳ эттан ўзбек қиз, ой қиз.

## СОЖИДА

Олтмиш ёшли Жарқын жодутар,  
Хеч ёқтирмас келин қилиғин.  
Рашк бобида бўлиб савдогар,  
Қизғанарди ўғлин, илигин.

Кампир қари, аммо мугомбир,  
Илк келинин қувганди ҳайдаб.  
Ортидан ҳам гўё бир зомбир,  
Сочган эди заҳрини чайнаб.

Янги келин доно, иффатли  
Гўзалликда тенгсиз бир рухсор.  
Ўғли эса бўш-баёв, дардли,  
Аммо, турмуш бўлди сарафдор.

Келин-куёв севиб бир-бирин,  
Бахт майидан бўлди маст-аласт.  
Она мудом пойлаб мир-сирин,  
Рашк ўтида ёнарди холос.

Вале ўғли ҳамда келини,  
Ҳурмат бажо келтирас чунон.  
Кампир бўлса тирнаб этини,  
Ҳасад ила боқарди ҳар он.

Келин-куёв аҳил яшашиб,  
Сезмас эди она шаштини.  
Қизалоқли бўлиб талашиб,  
Суришарди ҳаёт гаштини.

Сожиданинг орзуси бисёр,  
Ўғил кўрмоқ, тўй қилмоқ ният.  
Тарбияга берди эътибор,  
Қизи баҳтили бўлмаса уят.

Эрнинг дардин ютиб яширди,  
Иситмаси ошкор этса ҳам.  
Рўзгор камин тузаб оширди,  
Кўрмай дея эр кўзида нам.

Қайнонасин қаддини созлаб,  
Ўзи киймай унга кийдирди.  
Меҳмонларин мудом эъзозлаб,  
Хуш-хушлади, ширин едирди.

Қалби дарё бўлсада келин,  
Ёқтирмади Жарқин момо ҳеч.  
Йўқ қилмоққа чархлаб тиш, тилин,  
Пойлаб юрди ҳам эрта, ҳам кеч.

Иш йўқ, эди ўз худудида  
Ўғил кетди бўлиб мардикор.  
Йўқ қилишнинг тараддунида,  
Кампир юрди жуда ҳийлакор.

Қизлар келиб биринма-бирин,  
Тезкор, махфий мажлис ўтказди.  
Кампир айтиб ёвуэлик сирин,  
Мақсадини хуфён етказди.

Жаллод момо айтгач режасин,  
Қизлар йиглаб мадордан толди.  
Жодугар-чи макру ҳийласин,  
Ишга солди, ақлинни одди.

Арқон, болта келтириб уйга,  
Кутди ётиб ярим тунгача.  
Келин эса толарди ўйга,  
Ёри келса эрта тонгтча.

Икки хона ўртаси даҳлиз,  
Биридачи ёвузлар кутар.  
Унисида мунисдек ҳаргиз,  
Она-бола беозор ётар.

Пойлоқчи қыз англаб тирқишдан,  
Деди: келин кетди уйқута.  
«Аэроил»лар уйга киришдан,  
Хона ботди чуқур қайғуга.

Сен икковинг икки ённи ол,  
Учинчи қыз бош тарафдан бор.  
Кампир қылди Сожини беҳол,  
Воҳ, бўйнига арқон бўлди дор.

Кўзлар тўла қон билан қизлар,  
Тортишарди арқонни зўрлаб.  
Жарқин пишиқ қолдирмай излар,  
Келинчакни ўлдириди хўрлаб.

Дерлар: битта хотин хийласи,  
Кирқ эшакка юқ бўлар эмиш.  
Кўринг тўртта хотин калласи,  
Обдан ишлаб, тўқиди миш-миш.

Эри кетгач мардикорликка,  
Келин ёни «бузук»ча тўлди  
Кампир эса кетмай пинакка,  
Келин билан кимлардир бўлди.

Заб булғашди номусин топтаб,  
Айшу-ишрат хилватга чиқди.  
Ўйнашлари келинни боплаб,  
Сўнг оғзига латтани тиқди.

Зумда тарқаб кетди миши-мишлар,  
Дастлаб ҳамма бунга ишонди.  
Терговда-чи ёлғон эмишлар,  
Рад қилинди, ёвузлар тонди.

Ялмогизлар беролмай бардош,  
Қабоҳат деб кўз ёшин тўқди.  
Тергов очди, сирлар бўлди фош,  
Ҳақ олдида жаллодлар чўқди.

Оҳ, гуноҳсиз келин Сожида,  
Тириклик деб ҳар нега кўндинг.  
Қуёш здинг куёв қошида,  
Лек фосиқлар қўлида сўндинг.

Үйлама сен ўлдим деб ҳаргиз,  
Сожи номинг кўплар қалбида.  
Фарзандинг ҳам эмасдир ёлғиз,  
Давомчинг бор ҳаёт тобида.

Бугун юртда қонун устивор,  
Юрт эгасиз, эмасдир синглим.  
Қонунчилар постида қушёр  
Очилмоқда ҳар қандай тилсим.

## ЭГОВ ХОТИН

«Оқтов» билан «Қоратов»,  
Үртасида бор яйлов,  
Шу яйловда қүй боқиб,  
Юрди чүпон хүп яёв.

Чүпон күзи түқ эрди,  
Қоттан-қутган нон ерди,  
Нонуштадан сүнг албат,  
«Сен Оллох»га ҳамд дерди.

Орадан күп кун ўтди,  
Пешонага ёр битди.  
Яхши экан бирам ёр,  
Орзусига ҳам етди.

Самимий бир ёр экан,  
Фаросати бор экан.  
Ҳам оқила, ҳам доно,  
Ҳам вафога зор экан.

Эрни пиirim деб билди,  
Елласига түн илди.  
Яхши-ёмон ичида,  
Хурмат-иззат ҳам қилди.

Хотин битган юлишар,  
Жиғи-бийрон бўлишар.  
Наҳот чўпон хотини,  
Зўр экан деб кулишар.

Кеч кирдию иш битди,  
Ишдан раис ҳам қайтди.  
Мақтаб чўпон хотинин,  
Ўрнак олгин деб айтди.

Хотини тез тутоқди,  
Эр гүрига ўт ёқди.  
Чүпон хотин дастидан,  
Күзларидан қон оқди.

Чүпонга тенг қылма деб,  
Мени чүпон билма деб,  
Эрни уйдан ҳайдагач,  
Ўзига хўб берди зеб.

Эр хафақон бўлибди,  
Боши қонга тўлибди.  
Этоб хотин дастидан,  
Уйдан чиқиб, ўлибди.

Хотин ўйга оз чўмди,  
Эрни ерга соз кўмди.  
Ва ниҳоят, майли деб,  
Ўттанига кўз юмди.

Сўнг чўпонни ахтариб,  
Йўллар босди кўп ҳориб.  
Эр қадрини билмадим,  
Дерди баъзан у зориб.

Чўпон хотин деди, ҳув,  
Ва офтобдан ичди сув.  
Ҳой-ҳой келин, жон келин  
Эмаскансан ҳеч сулув.

Уйда йўқми совуқ сув,  
Нечун ичдинг илиқ сув?  
Ёлғон экан мақтовлар,  
Эшитгандим кўп дув-дув...

Авзойини заб кўриб,  
Хумни қўйди сал сурис.  
Эрни билинг қадрини,  
Янгажон деди туриб.

Кўрпа-ёстиқ тўшалди,  
Ўртада нон ушалди.  
Қизиб кетиб суҳбати,  
Икки хотин бўшалди.

Чўпон хотин сўзлади,  
Яхшиликни кўзлади.  
Эрни ҳурмат қилишни,  
Айтиб тулни тузлади.

Чўпон чўлда мен нетай,  
Жоним фидо ҳам этай.  
У иссиқ сув ичган вақт,  
Нечун совуқ сув ичай.

Гапни тинглаб тул хотин,  
Чуқур тортиб олди тин.  
Тўлиб ёшга кўзлари,  
Туриб кетди у секин.

## ИТ, МУШУК...

Бор эканда, йўқ экан,  
Оч эканда, тўқ экан.  
Қадим-қадим замонда,  
Бир бой жуда сук экан.

Бой ҳовлиси ҳашамдор,  
Кўп бўлганди хизматкор.  
Тўрт хотину канизак,  
Бола-чақаси бисёр.

Бола-чақа ёш эди,  
Баъзиси бебош эди.  
Яхши ёмон ишларда,  
Каттаси йўлбош эди.

Кўп хотинда кўп фикр,  
Берарди бойга зикр.  
Бири деди, ит керак,  
Ҳовлида юрсин дикр.

Бой унга рози бўлди.  
Хотиннинг кўнгли тўлди.  
Ит келтиргач ҳовлига,  
Қоравул очдан ўлди.

Орадан кўп ўтмади,  
Бойни хотин туртади.  
Мушук бўлмаса уйда,  
Хайр-барака кетади.

Чайқалди бой калласи,  
Не хизмат дер салласи.  
Келтирилсин мов мушук,  
Лек бўлмасин,mallаси.

Хизматкор чопиб кетди,  
Бозорга зумда етди.  
Бой беканинг буйругин,  
Бажара солиб қайтди.

Мушук дангаса экан,  
Ҳар замон «миёв» деркан.  
Бундан хабардор сичқон,  
Бой уйида дон еркан.

Ҳамма ухлаб қотарди,  
Бой-чи, меҳмон кетарди.  
Ит, мушук, сичқон эса,  
Бирга сұхбат этарди.

Ит қуарди: «вов-вов-вов»,  
Деярди: мушук, «миёв»,  
«Чий-чий» қиласы сичқон  
Дүст зди, эмасди ёв.

Бир куни қилди вой-вой,  
Бойнинг боласи Норбой.  
Таёқ еган эканин,  
Чақди акаси Холбой.

Бой ҳовлида бақирди,  
Итни қаттиқ чақирди.  
Нега сен қарамадинг,  
Дея танбек гапирди.

Дүк ейиш кўп ёмонда,  
Ит тўлғанди шу онда.  
Йўл-йўлакай сўради,  
Душман қайси томонда.

Йўл қараб турса-чи бой,  
Ит келарди сойма-сой.  
Олдида урган бола,  
Ушлаб тузлади Норбой.

Бой-чи, қувониб кетди,  
Итга бир Ёрлик битди.  
Хизматига ҳақ олиб,  
Ит ҳам муродга етди.

Ит суюниб қўярди,  
Бой эркасин суярди.  
Сичқон-мушук бирлашиб,  
Ит Ёрлигин юварди.

Ёз, куз ўтиб, қиши кирди,  
Ёмғир итни шоширди.  
Тез мушукни чақириб,  
Ёрлигини топширди.

Мушук Ёрлиқни олиб,  
Қороз халтага солиб,  
Уй ичига кирди-ю  
Ухлади, анга қолиб.

Бой эркаси эди шўх,  
Қилиқлари эди ғўх,  
Ёрлиқни топиб олиб,  
Бурчини еб қўйди лўқ.

Мушук бехос уйғониб,  
Ёрлиқни қўлга олиб,  
Эркатой қилган ишдан,  
Йиглади дод-вой солиб.

Буни эшитган сичқон,  
Койиди, ютмагин қон.  
Ёрлиқни сақлаб берай  
Дея юпатди шу он.

Мов-мушук рози бўлди,  
Иккиси роса кулди.  
Сичқон уйга келтиргач,  
Ини Ёрлиқقا тўлди.

Сичқон ов овлаб кетди,  
Болалари оч ётди.  
Овқат-чун мақтov Ёрлиқ  
Сичқонларга аскотди.

Сичқон овидан қайтди,  
Холдан тойганин айтди.  
Ёрлиқ кетганин кўриб,  
Мадори бўшаб кетди.

Дод-вой солди, ух отди,  
Болалари саф қотди.  
Сичқон она шаштидан,  
Сичқончалар дард тортди.

Күнлар ўтиб келди ёз.  
Ёрлиқ сақлаш учун соз.  
Дебон ит ўйлаб қолди,  
Ва Мошдан сўрди қоғоз.

Мушук сичқонни кўрди,  
Ҳам ундан Ёрлиқ сўрди.  
Ёрлиқ ийқлиги билгач,  
Сичқонни созлаб урди.

Сичқон чийиллаб қолди,  
Ва чуқур ўйга толди.  
Билди аҳволи чатоқ,  
Думини туийб солди.

Жаҳли чиққан мов мушук,  
Ҳали ҳам пойлар тешик.  
Мушукдан ўч олгани,  
Ит турар пойлаб эшик.

# ҲИКОЯЛАР



## СИРЛИ САРОЙ

### Детектив ҳикоя

Дарғомнинг чап соҳилидан унча узоқ бўлмаган гумбаз қишлоғи ҳар қалай замонавий. Баланд-баланд қурилган уйлари, осмонўпар дараҳтлари, кенг ва равон кўчалари билан бошқа қишлоқлардан анча кўркам. Бир кўринишда кичикроқ қўргончага ҳам ўхшаб кетади. Паст томони пахтазорга, юқори томони эса қир-адирларга туташиб кетган бу гўзал гўшанинг исми жисмига монанд.

Самарқанд — Қарши темир йўли қишлоқнинг ёнгинасидан кесиб ўтган. Ҳатто унча катта бўлмаган темир йўл бекати ҳам бор. Шу сабабли ҳам қишлоқ одамлар билан гавжум. Вилоятнинг барча туманларида тармоқлари бўлган Гумбаз қурилиш корхонаси ҳам шу қишлоқда жойлашган. Шунинг учун бошқа қишлоқлардан келиб ишловчилар талайгина.

Қишлоққа кираверишдаги марказий кўчанинг ўнг томонида Ҳакимнинг ҳовлиси жойлашган. Ҳовли катта бўлмаса-да, аммо бир қарич ҳам очиқ ери йўқ. Ёзнинг келганилигини унинг кичкина томорқасидан сезса бўлади. Помидорларнинг қийғос гуллаб ҳосилга кира бошлаганилигини, бедапояларнинг иккинчи ўроқ-қа тайёрман, дегандек бўй чўзиб турганлигини кўриб, ҳақиқий дехқон ҳовлиси, дейсан киши. Ҳаким нафакат дехқон, балки олий маълумотли мухандис ҳам. Гумбаз қурилиш корхонасида ишлайди. Ишдан бўш вақт топди дегунча томорқасида меҳнат қиласди. Ҳудди «вақтинг кетди-нақдинг кетди», — деган нақл унга айтилгандек.

Йигирма етти ёшли, ўрта бўйли, қошлари қуюқ, кулча юзли бу кўркам йигитнинг иш жойида, хурмати яхши. Қўни-қўшнилар билан ҳам жуда аҳил. Ҳамма унга хурмат билан қарайди. Бирорни хафа қилиш унинг феълига мутлақо тўғри келмайди.

Хотини Бувизайда ундан икки ёш кичик. Бир-бир-

ларини мактабдагидек севишган. Ҳатто Ҳакимта сүк-  
ланиб қарашынан қызлар билан хафалашиб қолган  
пайтлар ҳам бўлган. Энди-чи, рўзғор ташвишлари би-  
лан ҳамма-ҳаммасини унуган.

Бувизайдада юмалоқдан келган, ўрта бўйли, бодом  
қовоқ, қонлари қалин, хушбичим аёл. Бир кўринишда  
эри Ҳакимга ўхшаб кетади.

Якшанба. Қуёш уфққа ёнбошлаган пайт.

Бувизайдада уйида, Ҳаким эса рўзғор юмушлари би-  
лан далада — уйидан анча олисда. Кўнгли негадир  
нотинч. Тезроқ уйига етиб бориш истагида. Аммо,  
иложи йўқ.

Ишлар кўп. Уларни бажармасдан қайтиш, «буғунги  
иши эртага қўйма», деган халқ мақолига зид бўлади.  
Бундан ташқари иши чала қолдириш учун фазилати-  
га мос келмайди ҳам. Шундай бўлса-да иши тез-  
латди.

Чунки, уйида икки ўғли, жажжи қизалоги кутмоқ-  
да. Айниқса, ўртанча фарзанди — Бекзод бошқача.  
Негаки у кўпроқ ўзига ўхшайди. Уни кўрса ўзининг  
ёшлигини кўргандек бўлади...

Эрининг костюмини ямаш учун ўтирган Бувизайданинг бехосдан қовоғининг учиши уни толиктира  
бошлади. Кўзи толиб, нуқул игнани қўлига саншиб  
олавериб, иши анчага чўзилди.

«Нега қовоғим учди. Балки эrim кечиккани  
учундир. Тинчмикан, ўзи» дея хаёлидан ўтказди.

Ўшанда, қишлоқ оралаб чўпон-чўлиқлар олдига  
солиб келаётган қўй-қўзиларнинг бетўхтов марашла-  
ри, итларнинг ҳуриши, болаларнинг қий-чув, ўйин-  
кулгилари аралаш уч яшар ўғли Бекзоднинг чинқир-  
ган овозини эшитгандек бўлди. Товуш қисқа ва  
такрорланмаганлиги учун ҳам бу овозга Бувизайдада  
бефарқ қаради. Лекин ўғлининг ғалатироқ бўлиб  
туюлган бу товуши қулоги остида муҳрланиб қолди.  
Шундан кейин уни ҳаёл олиб қочаверди. Охири қў-  
ли ишга бормай қолди.

Юраги ҳаприқаётганлигидан безовталаниб, эри-  
нинг костюмини нари суриб қўйди-ю, ухлаб ётган  
қизалогини қўлига олиб, ҳовлига чиқди.

— Эҳ-хе, қоронғи ҳам туша бошлабди, эрдан дарап йүк, — деди ўзига-ўзи. Сүнгра ўғилларини чақира бошлади. Шерзод секин-аста уйи томон келди. Чунки ўша вақти ўйиннинг энг қизиган пайти эди.

Ҳеч кимда уйга кириш истаги кўринмасди. Шу учунми, Бекзод кўринмади.

— Бекзод. О-о-о Бекзод! Аянг ўргилсан Бекзод, қайдасан-у-у?

Қоронғи туша бошлаган пайтда ҳовли супиришни ўтмишда ёмонликка йўйишган. Ўша пайт ҳовлисини супираётган қўшниси Анзират Бувизайданинг ғашига тегди. Лекин ўзини босиб:

— Бекзод сизлар томонда кўринмайдими? — деб сўради.

— Мени болаларим билан юрганди, — дея жавоб қайтарди Анзират.

Қоронғи аралаш Ҳаким ишдан қайтди. Овқатга ўтириш керак.

Бекзоддан эса ҳамон дарап йўк.

— Бекзод қани, — сўрашди катта ўғлидан Ҳаким билан Бувизайда бир зайлда.

— Ўйнаб юрганди, — жавоб қайтарди у.

Эр-хотин бир-бирларига сирли қарашди-ю, ҳовлига, ҳовлидан кўчага чиқишиди.

— Бекзод. Бекзод. Бекзод-у...

Ҳакимнинг ҳам, Бувизайданинг ҳам вужудларига қалтироқ кирди.

Баданларини совуқ тер босди.

Козонда сузилишига муҳтоҷ бўлиб турган ош ҳам, соғилиши лозим бўлган сигир ҳам ўша пайт Бувизайданинг кўзига кўринмасди.

Эр-хотин Бекзодни қидиришга тушиб кетдилар. Шу орада қўни-қўшнилар ҳам Бекзодни излашга киришидилар. Бекзод йўқолиб қолганлиги бир зумда қишлоққа тарқалди.

Яқингинада пилдираб ўйнаб юрган Бекзодни кеч-қурун ҳеч ким кўрмай қолган. Наҳотки, қисқа вақт ичида уч ёшли болача қишлоқдан чиқиб кетолса. Сирли йўқолиш...

Шу кеча нафақат Ҳаким билан Бувизайда, балки

инсофи бор кўплаб қўни-қўшниларнинг киприклари киприклари тегмади.

— Балки Бекзод бирон жойда ухлаб қолгандир, — деди кимдир ҳансирааб. Тўплангандар экин майдонларини, қорайиб ёки тумпайиб кўринган ҳар бир жойни кўриб чиқишид. Аммо натижа йўқ. Ҳамма ҳайрон. Турли хаёл, турли ўйлар кўпчиликнинг айниқса, Ҳаким билан Бувизайданинг миясини этовлади.

Бекзод жуда ширин бола, боғчада ҳамманинг унга ҳаваси келади.

Балки бирон кишининг уйига борган бўлса олиб қолганми? Ёки ўғирлаб кетдимикан-а? — ўйларди Бувизайдада.

Вақт беаёв, онанинг кўзлари жиқقا ёш.

— Бекзод! Бекзод! Қаердасан, Бекзоджон? — тўрт томонга югуради она.

— Кечада қоронфисида излаш бефойдага ўхшайди, бирон кишиникида қолгандир, — дея юпатди қўшнилардан бири.

Тонг отди. Бекзод қўни-қўшниларникида ҳам топилмади. Милицияга хабар қилинди, унинг сурати ва белгилари тезда ҳамма тезкор вакилларга етказилди.

Бекзод шу қишлоқда туғилган. Қишлоқдошлари уни «ширинтой» деб эркалаштишарди. Ҳақиқатан ҳам ширинтой. Уни ким кўрса бағрига босгиси, эркалатгиси, у билан қўшилиб нафас чирой беради», деган нақдни эшитган ўн беш, ўн етти ёшли қўшни қизлар кўпроқ Бекзодни кўтариб юришар, юзларини юзларига босишиб ўпардилар. Ана шундай қўлма-қўл юрадиган, кўпчиликнинг севимли эркатойига айланган Бекзод йўқолиб қолса-я.

Бекзоднинг йўқолиши у билан дўстлашиб қолган, жон-дили билан яхши кўрадиган, вақт топди дегунча у билан ўйин қиласидиган, шу қишлоқдаги мактабнинг 9-синифида аъло баҳоларга ўқийдиган қўшни опаси Гўзал учун оғир бўлди. У Бекзодни жуда яхши кўтар, қитиқ-қитиқ қилиб уни кулдирар, унга қўшилиб ўзи ҳам мазза қилиб кулар, шу тариқа иккаласи дўст бўлиб

юради. Гўзал Бувизайдада билан бир қаторда югурга бошлади.

Ўша куни Гўзал қишлоқ бўйлаб югурди, мактаб, боғча, ариқлар, умуман унинг фикрича Бекзод бўлиши мумкин бўлган ҳамма-ҳамма жой нигоҳидан ўтди. Йўл-йўлакай:

«Осмондаги бўз тўрғай,  
Бўзламасанг не бўлғай?  
Бекзоджонни ҳолидан,

Сўзлаб берсанг бе бўлғай?», — деб ўзига-ўзи йиғи аралаш ҳиргойи қилар, унинг қилиқларини, ширинширин гапларини эслаб кулиб ҳам қўяр эди.

Бекзод қишлоқдан топилмагач безовталик янада кучайиб кетди.

— Уни бирор ўғирлаб кеттандир. — деди кимдир.

— Балки, бирор фалокат бўлдимикан-а? — деди иккинчиси.

Турли ўйлар, турли хаёллар.

Прокуратура ва милиция ходимлари томонидан қидирав ишлари кучайтириб юборилди. Шулар қаторида нафақат Гумбаз аҳли, балки қўшни қишлоқ аҳолиси ҳам оёққа турди.

Аммо Бекзод топилмади. Тун ярмида тўпланганлар уй-уйларига қайтишди. Шулар орасида Гўзал ҳам бор эди. У Ҳакимнинг ҳовлисидан ҳаммадан кейин қадамларини судраб босганича чиқиб кетди.

Ҳаким билан Бувизайдада тунни кунга улади. Хаёлларидан нималар ўтмади.

Нимани ўйлашмасин, охирига «йўғе? наҳотки», деб ўзларини-ўзлари юратиб ҳам қўярди.

Шерзод ҳам беш ёшли гўдак бўлишига қарамасдан укаси йўқолиб қолганлигидан ташвишда. Укасини топиш учун нима қиласин. Аммо, нима қиларини билмай ўтириб-ўтириб охири ухлаб қолди.

Иккинчи куни терговчи Раҳматулло Исоқов бошлиқ тезкор қидирав гуруҳи вакиллари искович ит билан қишлоққа киришди. Ит Бекзоднинг кийимларидан унинг ҳидини олгач, милиция ходимларини қўшниси Анзиратнинг уйига бошлади.

— Бекзод бизнинг уй олдига менинг болаларим би-

лан келувди, кейин йўқолиб қолди, — деди танасини титроқ босганча Анзират.

Искович ит Болтанинг ҳовлиси олдида бироз тўхтаб ерларни ҳидлади-да, уларнинг саройидаги бедапоялар босилган томонга қараб ҳура бошлади. Бедапоя босилган жойдан сал берироқда Болтанинг кажавали мотоцикли турибди.

— Бекзод шу тарафларга ҳам ўтиб, мотоцикл билан ўйнарди, — деб гап қўшди Анзират. Милиция ходимлари ҳам шундай фикрга боришиди.

Итнинг Болтани уйига бориши унинг хотини Анзиратни кўпчилик ҳузурида ноқулай аҳволга солиб қўйди.

— Бекзод бизникида бўлса искович ит топардида — деди тўпланганларга.

Терговчи Раҳматулло Исоқов нуқул итнинг қўшни ҳовлидан бошқа томонга бормаганлиги сабабини ўйлар, аммо, ҳеч ўйининг охирига етолмасди.

Тўпланганлар бирин-кетин терговчига тушунтириш хатлари ёзишиди.

— Раҳматулло Анорбоевич, биронта тушунтириш хатидан Бекзодни изи кўринмади, — деди милиция формасидаги гавдали, ёши элликларга бориб қолган киши.

Терговчи ўша куни Бекзоднинг бундай йўқолишидан боши гангиган ҳолда иш жойига қайтди. Ҳатто у ўша тунни ҳам бедор ўтказди. Уни хаёлан излай бошлади. Кўпроқ у «болани бирор ўғирлаган ёки у бирор жойда ухлаб қолган», деган ўйга борди. Чунки шу ўй ҳақиқатга яқинроқ эди-да. Бўлмаса уч яшар бола қаерга ҳам кетиши мумкин?

Терговчи Бекзоднинг йўқолиши бўйича ҳар эҳтимолга қарши жиноят иши қўзғатди. Турли хил режалар билан уни топиш чораларини кўрилишига қарамасдан, натижга йўқ.

Кунлар ўтди. Бекзоддан ҳамон дарак йўқ. Бувизайданинг аҳволи кундан-кунга ёмонлаша бошлади. Ўлик-тириги чиқмаётган фарзанд доги қисқа фурсатда уни оздириб, чўпдай қилиб қўйди. Уч кунда Бувизайда ўн йиллик умридан айрилди. Юзларида ажинлар пайдо бўлиб, тим қора соchlарига оқ оралади. Ҳоргинлик та-

насини чўқтириди. Бувизайдани уч кун олдин кўрганлар энди таний олмасдилар. Эри Ҳакимнинг ҳам егани татимас, беадоқ ўйлар юрагини зеввларди. Лекин эркак эркак-да. Ўзини боса олади. Тушкунликларни юта билади. Тун ярим бўлишига қарамасдан Бувизайда ҳамон йигларди.

— Нега ухламаяпсан? Тун яримдан ошаяпти. Жуда чарчадинг, ўзингни қўлга ол, — деб юпатди Ҳаким.

— Қандай ухлай? Ахир, Бекзоджон йўқ-ку, усиз ухлаб бўладими? хўнграб юборди Бувизайда.

— Бекзод топилиб қолар, ахир, қаерга ҳам кетиши мумкин. Сув ҳам бўлмаса, сувга тушиб кетган бўлса, дегани. Бошқа гумон йўқ-ку. Бирон инсофсиз олиб кетган кўринади. Бироннинг боласини нима ҳам қиласарди, қайтаради-да. Балки бирор нарса талаб қилиб келиб қолар, — деган гапларни айтаркан, Ҳакимнинг ҳам кўзларида маржон-маржон ёш қалқиди.

Тўртинчи куни эрта тонгда Ҳаким ҳовлисида бир қушнинг нохуш сайроғидан сесканиб уйғонди. Унинг вужудини совуқ тер босди. Бошини ёстиқдан кўтариб қараса Бувизайда жойида йўқ. Юраги ҳапқириб, ҳовлига чиқди.

— Худога шукур, — деб Бувизайданинг ҳовли супираётганини кўриб, бироз тинчланди:

«Нега қуш ёқимсиз сайдари-я» — дея ўзига-ўзи савол бердию, жавоб тополмади.

— Ёмон туш кўрдим, — деди Бувизайда эрига яқинроқ келиб, паст товушда.

— Нима қилишни ҳам билмайман, — дея Ҳаким ҳовлидан чиқиб кетди.

Бувизайданинг юраги тўлиб кетган эди, қанчалик ўзини босишга уринмасин, дод солиб йиглаб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Онанинг фифони Гумбаз қишлоғини ларзага келтирди. Ҳар кунгидан ҳам кўпроқ одам тўпланди. Яна Бекзодни қидириш бошланиб кетди.

Шу пайт узоқдан кимнингдир:

— Бекзод! — деган бўғиқ овози эшитилди.

Ҳамма овоз чиққан томонга югурди. Бир зумда Ҳакимнинг орқасидан ўнлаб қишлоқдошлари етиб бо-

ришди. Не кўз билан кўрсинги, Бекзод елкаси билан ариқча ичида жонсиз ётарди. Мурдани қурт боса бошлаган.

Атрофга ёқимсиз ҳид таралмоқда.

Еру осмон чир айланиб, Ҳакимнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолди. Бувизайдаги шум хабарни эшитиши билан уйидан ҳам чиқолмай хушини йўқотди.

Шу зоҳоти Гўзал ҳам етиб келиб, ўзини Бекзод ёттан ариққа отди. Ҳали терговчилар уни кўздан кечириб бўлмасдан унга тегиниш мумкин эмаслигини у қаердан ҳам билсин, унинг орқасидан етиб келган ҳудуд милиция нозири Равшан Исмоилов қизни жасаддан зўрга ажратиб олди.

Ҳакимни уйи билан Бекзод ётган жойнинг ораси икки юз метр. Аммо югуриб келаётганлар учун икки юз метрлик масофа икки минг метрдан ҳам узоқдек. Хотин-халаж, ёш-қари ҳамма, ҳамма тўпланди. Ийисиги овози еру фалакни тутди. Милиция, прокуратура, жамоатчилик... Нафақат Бекзодни танийдиганлар, балки хизмат юзасидан борганлар ҳам кўз ёшларини тўхтатолмасдилар.

Бекзод кўйлагининг елка қисмига чорхона чизиқли бир варак қофоз қистирилганди. Тўпланганлар қофоздаги «Қиморга ютилган бола» деган ёзувни, рубоб ва қартанинг расмлари ҳам чизилганлигини кўришиб, ҳайратдан ёқа ушлашди. Чунки, улар Ҳакимнинг қимор, қарта ўйинларига тоқати йўқлигини яхши билишарди. Лекин кўпда кўп хаёл. Шивир-шивирлар ҳам бошланди.

Ўша куни гумбазликлар учун энг оғир кун бўлди. Ҳакимнинг уйидан чиқдан дод-фион барча-барчанинг қалбини тирнади. Ҳакимнинг қавму-қариндошлари, ёру-биродарлари, таниш-билишлари унинг ёнида. Ҳамма Бекзоднинг қилиқларини, унинг ширинтойлигини айтиб йиглашарди.

Бувизайданинг уй ичидан чиқаётган овози ҳаммани қўшилиб йиглашга мажбур қиласарди.

Келарсанми бағримни тиғласам Бекзод,  
Ширинлигинг айтсаму йиғласам Бекзод?

Келарсанми қалбимни тузласам Бекзод,  
Кўкка етиб фиғоним бўзласам Бекзод?!

— Хув-хув, — дея хотин ҳалаж дод соларди. Бекзодни талашиб-тортишиб, бағрига босишиб юрган қизлар ҳам унинг бошида. Уларнинг кўзларидан оқаётган юм-юм ёшлар ҳали ҳеч нарсани кўрмай гунча ҳолича сўлган, ҳаёт гаштини сўрмай ёвузлик қўлида қурбон бўлган Бекзод учун камдек туюларди.

Айниқса, Гўзалга қийин бўлди. Гўзал ўзининг бор меҳрини Бекзодга бағишлиган эди. Бекзод ҳам уни кўрса севинишини биларди. Худди тувишган опа-уқадек. Балки, Гўзалнинг меҳри тувишган опаникидан ҳам кўпроқдир. Унинг кўзидан оқаётган ёшни кўрган баъзи қўшнилар «иега бу унга бунча куюнади», деб ўйлаб қолишарди. Гўзал Бекзоднинг «айикча» ўйинчогини бағрига босиб, уни ҳидлаб, ундан Бекзоднинг ҳидини, шириналигини, қилиқларини, кулишларини излаб, беихтиёр жовдирарди.

Қишлоқ аҳдининг аксарият қисми мотам тутди. Эртаси куни Бекзод барча расм-руsumлар билан қабрга қўйилди. Қори Куръони Каримдан оят ўқиб, ҳамма ўринларидан турсалар ҳамки Ҳаким ўрнидан турмади. Унинг ўша вақтдаги аҳволи ҳаммага маълум. Одамлар уни ўzlари билан олиб қайтмоқчи бўлдилар. Аммо Ҳаким уларга ҳоли қолдиринглар, ишорасини қилди.

Ҳаким одамлар узоқлашар-узоқлашмас ўзини қабр устига отиб, дод деб, овози борича йифлади. Унинг кўзидан оққан селоб қабр устидаги тупроқни лойга айлантирди. Қабрни қучоқлаганича:

Эсиз, эсиз болам! Қадрингта етмадим! Сени астрай олмадим, Бекзоджон! Кимлар сени шгу аҳволга солди, болам? Кимларга сени бериб қўйдим-а? — дея ўзига-ўзи гапириб ётганида икки киши қайтиб келиб уни мажбурлагандек олиб кетишиди. Ҳа, энди Бекзод йўқ. Энди Ҳаким ишдан қайтганида, «дадажон» деб, югуриб чиқиб қучоқладиган, тўхтовсиз саволлар билан уни шошириб қўядиган, ширин тиласи билан катта одамларга ўхшаб ҳангома қиладиган Бекзод йўқ. Ҳеч ким энди уни ўрнини босол-

майди, қилиқларини ҳам қилолмайди. Ҳеч ким Бекзоддек «дадажон» деб югурмайди. Ҳаким шулар ҳақида ўйлаб борар, кўзларидан оқаётган ёшнинг охири кўринмас эди.

Ҳаким уйига қайтиб келдию, уни милиция олиб кетди. Бечора Бувизайдага ўғлиниң жудолиги етмагандек, яна ўй, яна ташвиш...

Наҳотки, эри шундай қабиҳ ишта кўл урган бўлса? Ким ўлдирган ўғлини? Нега эрини олиб кетищди? Бувизайдага ўйлаб, уйига етмасди. Ҳаким ҳайрон.

— Наҳотки, Бекзодни ўлдирганлар четда қолиб мени қамашсалар? Шу ҳақиқатданми? — дея милиция ходимларидан сўрар, аммо, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмасди. Ҳатто айримлари унга нафратланиб қарашарди.

Эрта тонгдан туман прокурори Абдураҳмон Шукурров ҳузурида кенгайтирилган тезкор йигилиш бошланди. Унда прокуратура тезкор ходимлари, туман ички ишлар бўлими бошлиги ва бошқа масъул ходимлар иштирок этдilar.

— Тергов нимани аниқлади? — деб терговчи томон юз ўғирди прокурор.

— Абдураҳмон Шукурович, тергов режаси тузилди, ўтган кеча ҳамма қишлоқларга одамлар қўйилди. Гурӯҳ аъзоларининг ҳар бирига топшириқ бериб, жўнатдим. Гумонимиз кўп. Биринчи гумон отасидан. Чунки, уни ёқасига қистирилган қоғозча отасининг иштирокига ишорага ўхшайди, - деди.

Шу вақт прокурор хонасининг эшиги секин очилиб Гумбаз қишлоғи бўйича ҳудуд милиция нозири Равшан Исмоилов кўринди.

— Киришга рухсат этинг? — сўради у.

— Абдураҳмон Шукурович, Ҳакимнинг шахсини ўргандим, унча ёмонга ўхшамаяпти, — дедида қўлидаги тавсифномани прокурорга узатди.

— Тавсифнома ёмон эмас, лекин «одамнинг оласи ичида», деган гап ҳам бор, Ҳакимни чуқурроқ текширинглар, — деб прокурор терговчига тафсифномани берди. Жиноят иши прокурорнинг алоҳида назоратига олинди.

Терговчи йигилиш қатнашчилари фикрларини жамлаб, яна ишга шўнғиди.

Ўша куни Исоқовни хизмат хонасига кириш навбатида турганлар жуда кўпайиб кетди. Терговчи эса бошқа ишларни орқага суриб, Бекзоднинг қотилини ахтариш билан овора.

Шу заҳоти Ҳакимни тергов гурухининг аъзоси Жафар Шомирзаев жуда атрофлича сўроқ қилди. Сўнгра прокурор ҳам уни «нега ундан, нега»? — каби саволлар билан қарийб уч соат гаплашди.

Айниқса, қарта, қиморга ютилган бола, рубоблар неча юзлаб саволларни туғдиради.

Бир тарафдан сўроқ қилиш, иккинчи томондан тезкор қидирав. Шу куннинг ўзида бир қанча гумон қилинган кишилар сўроқ қилинди. Бекзоднинг бўйнига қистирилган қоғозчада рубоб расмининг борлиги кўплаб артистларнинг ҳам оромини бузди. Тергов ҳар томонлама борарди.

Ҳаким кўзларидан ёши тўхтамаган ҳолда саволларга жавоб берар, аммо, ўзи ҳам ўйлаб бу сирли воқеанинг замирита етолмасди. Прокурорнинг саволиги:

— Наҳотки, ўз ўғлимни қиморга қўйсам? Ахир мен ҳам отаман-ку, менда ҳам юрак бор-ку... яна уч яшар гўдакни-я? — деб бўкириб юборди.

Прокурор Ҳакимни олиб чиқиши буюрдида, столга бошини қўйганча: — Ўн беш йилдан ортиқ прокуратура соҳасида ишладиму, бунақанги жумбоқ жиноят биринчи, — деди ўзига-ўзи.

Ҳаким расман ҳибсга олинмаса-да уни қочирмаслик учун иккита милиционер ажратилганди. Иккаласи икки қўлидан тутганича прокурор хузуридан олиб чиқиб кетишиди.

Прокурор терговчини чақириб:

— Раҳматулло Анорбоевич! Ҳакимни уйига юборинг, — деди.

— Кечирасиз Абдураҳмон Шукурович, мен бундай қилолмайман, у билан ҳали яна ишлашим керак, ҳозирча калаванинг учи унинг қўлида ўхшаб кўринаяпти, — деди ўжарлик билан.

Прокурор ўзини вазмин тутиб:

— Бўлиши мумкин. Лекин, ҳар қалай қотил у змаску. Бундан ташқари агар унга маълум бўлганда чидолмаса керак эди. Уни қўйиб юборингда ҳар қадамини кузатинг, — деди буйруқ оҳангда.

Терговчига ҳам бу таклиф маъқул тушди. Кечга яқин Ҳакимни қўйиб юбориши. Ҳар ҳолда прокуратуранинг ҳақиқатни руёбга чиқариш учун интилаётганидан мамнун. Чунки, у ўғлининг ўлими замирига етиш ниятида. Айниқса прокурордан хурсанд.

Ҳаким тўғри уйига келди. Хаёлидан ҳамма гумонларини бирма-бир ўтказа бошлади. Лекин, ҳеч бир гумони ҳақиқатта яқин бормайди.

Соат миллари тун ярмидан ошганлигини кўрсатиб турибди. Ҳаким бир неча кундан бўён чоп-чопда анча ҳориган бўлса-да ухлай олмади.

— Бувизайдা, — деди оҳиста.

Бувизайдани «ҳа» дейишига мадори келмади, аммо уйғоқ эканлигини сездирив, ётган жойида секин қимирлади.

— Сен нима дейсан, кимдан гумонинг бор? — деди унга.

— Анзиратдан гумоним бор, — деб жим бўлди.

— Ҳўш, қандай гумонинг бор? — сўради яна Ҳаким.

— Биласиз-ку, у билан келишмайман. У мендан мансабини қизганади. Худди мен тортиб оламану, у ишсиз қоладигандек. Шунинг учун балким у бирон кишини тезлаб қилдирганми? — деб ўйлайманда.

— Қўйсанг-чи, Бекзод йўқолганидан бери биз қанча чопсак у ҳам шунча чопаяпдику. Гуноҳига қолмайлик.

Бувизайдада жим бўлди. Бекзод йўқолган кундан бери ухлаган эмас. Ҳаким ҳам уни бошқа безовта қилмади.

Эртаси куни терговчи бошлиқ гурӯҳ искович ит билан яна Гумбаз қишлоғига келди. Ҳакимнинг ҳовлиси, қўни-қўшниларнинг ҳовлилари обдан текширилди. Лекин искович ит яна ўзини Болтанинг саройига урди. Ит саройга кирди-ю, ётиб олди. Терговчи итнинг ик-

кинчи марта ҳам Бекзоднинг ҳидини олиб шу саройга кирганлигидан шубҳаланди.

«Бир сир борга ўхшайди бу саройда», — деди ўзиға-ўзи.

— Хўш, — деди терговчи ҳудуд милиция нозири Равшан Исмоиловга шубҳали қараб.

— Қизиқ, нима сир бор экан бу саройнинг?

— Мен ҳам ҳайронман. Итнинг биринчи марта шу саройга кирганига кўп эътибор қилмагандим. Бекзод ўйнаб келган бўлса керак деб ўйлагандим. Иккинчи бор яна шу ерга кирганида бир сир бор кўринади.

Терговчи гуруҳ аъзоларига қараб:

— Саройдаги ҳамма нарсани ташқарига чиқаринг, саройни обдон текширинг, — деб буйруқ бериб, ўзи саройнинг бир бурчида холислар иштирокида кузатиб турди.

Саройдаги мотоцикл, беда боғлари, бошқа майдачуйдалар ташқарига чиқарилди, аммо, Бекзоднинг ўлимига боғлиқ ҳеч нарса аниқланмади.

Воқеадан юраклари така-пука бўлиб турган Болта билан Анизират ўзларини босиб олди. Чунки, ўша вақтда жиноятда даҳлдорсан, деб қолса тамом. Қутулиб чиққунча тинкалари қуришини яхши билишарди.

Болта терговчига яқинроқ бориб:

— Терговчи ака, Бекзод жуда кўп марталаб саройда мотоцикл билан ўйнаб ўтирас эди. Ҳатто онаси ҳам шу ердан, ўйнаб ўтирган жойидан олиб кетган вақтлари бўлган. Сиз шубҳаламанг. Бу ҳақда ўйламанг ҳам. Бизни қиморчиларга ҳеч қандай алоқамиз йўқ, — деди.

Терговчи бош ирғаб:

— Буни тергов кўрсатади, — деб қўйди.

Болтанинг саройи шундайгина уйининг ёнгинасида, жойлашган, пахса деворли, энiga 4 метр, бўйига 6 метр, баландлиги 3 метр бўлган, яшаш хоналарига уланниб кетган бино. Унга дарвоза орқали кирилади. Шу аснода саройнинг белгилари терговчининг баёниномасида ўз аксини топди.

Ўша куни тергов гуруҳи сарой ичкарисида узоқ ишлашди. Аммо сирли сарой сирлилигича қолди. Кеч-

га яқин тергов гурухи қишлоқдан чиқиб кетиши. Ҳаким кечки овқатта үтириди, аммо томоғидан овқат үтмади. Бироздан кейин Ҳаким Бувизайдадан ҳол-ақвол сұради. Бувизайда Ҳакимга юзини үтириб, аммо бөшини күттармасдан:

— Бирон янгилик борми? — деди.

Ҳаким тергов гурухи келганині, искович ит яна Болтанинг саройига кирганині, аммо, у ердан ҳеч нарса топилмаганлигини батағсил гапириб берди.

— Мен бежиз Аңзиратдан гумон қилаёттаним йүк Бекзод йүқолган күн уни чинқирған овози қулогимга чалингандай бўлди-ю, лекин бирдан жимиди, безовтавланиб ташқарига чиқдим, Аңзират ўша вақти уйининг олдини супираёттган экан, қандайдир важоҳати бошқача зди. Ҳайрон бўлгандим. Болта ҳам қандайдир ҳаяжонли кўринганди. Искович ит икки марта ҳам уникига бордику. Нега сиз унга эътибор қилмаяпсиз, ҳайронман?

— Қўйсанг-чи, Аңзиратдан гумон қилма. Уни қиморчбозларга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бекзодни бўйнига қистирилган қофозга қараганда уни кимдир пул талаб қилиш учун ўғирлаб кетган. Бирдан шов-шув бўлиб қишлоқни милиция босгач, уни ўлдириб ташлаб кетган. Улар қўлга тушишдан кўрқкан. Аңзиратни бошқа гапирма. Эшитса муносабатимиз янада ёмонлашади.

Бу гапларни эшитгач, Бувизайда яна кўзларига ёш олди. Бу кеча ҳам эр-хотин ўй-хаёллар билан оро билмади.

Эрталаб Ҳакимни Зокир деган қўшниси чўқлаб келди.

— Кеча бозорда шу воқеа юзасидан ҳангома бўлаёттган экан, аста қулоқ солдим. Ўша якшанба куни қишлоққа бир оқ жигули машинаси келган экан, 04 рақамини бир қиз кўриб қолган. Ўша машинада бир мўйловли киши билан бир аёлни кўрган экан, шулар ўғирлаб кетган бўлмасин тағин деб, келдим, — деди.

Ҳаким бу хабарни эшитдию прокурорга бориш учун туман марказига жўнади.

— Ассалому алайкум! Мумкинми? — деб терговчи хонасига кирди.

— Келинг, қаңдай Ҳаким ака, яхшимисиз? — деб терговчи Раҳматулло Исоқов уни қарши олди.

— Нима гаплар? — сўради ундан.

Ҳаким эрталаб Зокир деган қўшнисидан эшитганларини айтиб берди.

— Бу ўн еттинчи гумон, — деди терговчи ёнида ўтирган Шомирзаев Жафарга қараб. Сўнгра шиддат билан милицияга қўнғироқ қилди.

Милиция навбатчиси телефонни кўтариб:

— Эшитаман Раҳматулло Айорбоевич, нима топшириқ бор?

Терговчи:

— Тумандаги ҳамма давлат белгисида 04 рақами бўлган енгил автомашиналарни текширитиринг, — деб трубкани қўйди.

Ўша куни ўнлаб автомашиналар ўрганилди, баъзиларини ДАН ходимлари гумонга яқин тутиб терговчига келтирди. Кўплаб тинтув ишлари олиб борилди. Аммо, бу режа бўйича ҳам калаванинг учитопилмади.

Кечга яқин Ҳаким уйига қайтди. Йўл-йўлакай:

— Агар топилмаса-чи, унда бир умр хотиним, қишлоқдошларим олдида юзим қора бўлиб қолади. Ҳамма қиморга ютқазган деб гумон қиласди. Хотиним тилида Анзиратдан гумон қиласяпман дегани билан дилида мендан гумони бор. Чунки Анзират ҳам, эри ҳам қимор ўйнамаган, рубоб чертмаган. Қарта ўйнагандир. Ким ўлдирган бўлиши мумкин? Эртага фолга ҳам борсаммикан? Фол аниқ айтармикан? Айтмаса-чи? Нима қиласам экан-а? — дея ўзига-ўзи гапириб, уйига борганини ҳам билмай қолди.

Ҳакимнинг фолга бориш фикри Бувизайдага ҳам маъқул бўлди.

Эрта тонг Ҳаким қўшни қишлоқлардан бирида яшайдиган фолчига борди.

— Ассалому алайкум, хола!

— Ваалайкум ассалом, кел чироғим ўтири, — деди-да кампир таҳорат олиб келди.

— Хўш болам, йўқотувчимисан, касалгамисан? Дардингни айт қани?

— Менинг ўғлимни кимдир ўлдириб кетган, — деб Ҳаким кўзини жовдиратди.

— Йиғлама болам, ҳозир мен сенга айтаман болам, йиғлама, — деди-ю кампир ҳужрасидага тош ойнани олиб жойномоз устида қиблага қараб ўтирида, алланималарнидир ўқиди: — Душманингни иши, бир аёл билан бир эркак экан, яқин орада сенга маълум бўлиб қолади. Қўлга тушади, — деб ойнани жойига қўйди.

Ҳаким эшитганини тезроқ терговчига етказиш учун шошилди.

Терговчи:

— Аниқ бир аёл билан эркакмикан, фолга ишонасизми, ўзи?

— Кечаги гумонимизга тўғри келади. Оқ жигулидаги. Фол ҳам бир аёл билан бир эркакнинг иши, қўлга тушади, деб айтди, — деди.

Терговчи Ҳакимни юпатган киши бўлдида, у билан хайрлашиб, тергов гуруҳи аъзоларига телефон орқали топшириқлар берди.

«Ҳамма ДАН ходимларига! Барча оқ рангли жигули ва бошқа марқадаги машиналар текширилсин. Натижаси ҳар куни менга маълум қилинсин. Терговчи Исоқов», — деган телеграммалар терговчининг топшириғи билан вилоят бўйича тарқатилди.

Терговчи эртаси куни иш режасига мувофиқ яна Гумбаз қишлоғига жўнади. Улар хизматидаги бўлган машина анча эскирган. Аммо ҳарқалай манзилга элта олади. Машина ҳайдовчисининг ёнига терговчи, орқа ўриндиқларга тезкор гуруҳ аъзолари ўтиришди.

«Бекзоднинг қотили ким? Норасида боланинг ўлими кимга керак бўлди? Нима учун? Бекзод ўша оқ рангли машинада ўғирлаб кетилдимикан? Ундан бўлса нега ўлдириди? Балки отаси Ҳаким улар талаб қилган пулни бермадимикан? Нега исковчи ит Болтанинг саройига кирайпти? — деб ўйларди йўл-йўлакай терговчи.

Хаёллар оғушида терговчи Гумбаз қишлоғига етиб борганини ҳам сезмай қолди. Ишни Болта ва Анзиратга тафсифнома олишдан бошлади.

Тергов гуружининг қолган аъзоларига эса қишлоқ-дошларини сўроқ қилишни буюрди.

Болта Гумбаз қишлоғидаги қурилиш идорасида ишлайди. Иш жойида ҳурмати йўқ. Меҳнат интизомини бир неча бор бузган. Маҳалла-кўй ҳам яхши таърифламайди, уни. Анзират баджаҳд, мансабпарат аёл. Қишлоғидаги болалар боғчасида мудира бўлса-да, обрўси унча яхши эмас. Бувизайда билан муносабати ёмон. Дарҳақиқат, Анзират қўшниси Бувизайдаги билан тенгдош, аммо бўй-басти баланд. Жисмонан анча бақувват, сержаҳд аёл. Ҳовли уйлари ёнма-ён, ўрталарида бор-йўғи бир метр баландликдаги девор чегара. Иккаласи бир боғчада ишлайди. Анзират ишлайдиган боғчада Бувизайдаги ҳам ошпаз, ҳам тарбиячи. Иккаласи ҳам ўрта-максус маълумотли. Анзират қўшнисини шу ишга ҳам олишга рози бўлмаганди, аммо тегишли идораларнинг аралашуви билан ишга ўтдию ўрталаридағи муносабат ёмонлашди, чунки мансабини олиб қўйишидан қўрқарди. Боғча эса боғча бўлиб боғча ҳам эмас, бор-йўғи битта гуруҳ. Анзират Бувизайдаги кўраверса жигилдони қайнаб, оғзи туриш бўлиб, юзи тиришиб, кайфияти бузилади. «Кўргани кўзи, оттани ўқи йўқ». Уларнинг ит-мушук бўлишиб юрганликларини сезишган касбдошлари «гадонинг душмани гадо бўлади» дегани шу эканда деб қўйишаради. Шундай бўлишига қарамасдан Анзират ичидагини сездирмасликка ҳаракат қиласади. Аммо, сухбати ҳам, кулгиси ҳам Бувизайдага нисбатан сохталиги яққол кўринарди.

Бекзод йўқолгач, Анзират муносабатини яхшилашга киришди. Бекзодни Бувизайдаги қатори излашга ҳаракат қилди. Бир кунда ўнлаб марта келиб ҳол-аҳвол сўради. Чунки, икковининг келишмай юришилигини кўпчилик қишлоқдошлари ҳам биларди. Шунинг учун Бекзоднинг ўлими бўйнига илиниб қолишидан Анзират жуда-жуда қўрқарди. Шу боис ҳам охирги пайтлар Бувизайдага «гирдикапалак».

Терговчининг қишлоққа келганлигини эшигтан Гўзал дарҳол уни номига ариза ёзиб, қўйнига яширганича ҳузурига етиб келди.

— Ассалому алайкум терговчи тога!

— Салом! Ҳа, синглим, нима гап?

— Кечирасиз, сизга бир гапим бор эди. — деда Гўзал жасурлик билан терговчини одамлар орасидан олиб чиқди.

— Эшитаман. Терговчи Гўзалнинг қандайдир муҳим бир гапни айтмоқчилигини сезди.

— Мана ариза. Шу аризани олингда, шу бугуноқ Анзират опани текширинг. Агар олиб келган итларингизга ишонмасаларингиз, уни бу ерга етаклаб келишининг нима ҳожати бор эди? Ит уларнинг саройига бежизга кирмайдику ахир? — деб Гўзал кўзларига келган ёшни рўмолчаси билан артиб кўйди.

— Майли синглим, раҳмат, — деб терговчи одамлар орасига қайтди.

Ёш бўлсада Гўзалнинг гапи ерда қолмади. Ўша куннинг ўзида Болтанинг ҳовлиси, уй-жойи, Анзиратнинг иш жойи тинтув қилинди. Зора жиноятта алоқадор бирон нарса бўлса.

— Раҳматулло Аюробоевич! Ҳеч нарса илинмадику? — деди Жафар Шомирзаев терговчига қараб.

Терговчи:

— Мана шу чорхона чизиқли ёзув дафтарини, Анзиратнинг ёзуви бор бўлгани учун боғчадаги кирим-чиқимларни ҳисобдан чиқариш далолатномасини ҳам ҳар эҳтимолга қарши олайлик.

Тинтувда битта ёзув дафтари ва Анзират томонидан тузилган далолатномадан бўлак ҳеч нарса олинмади.

Калаванинг учи бўлмасада терговчида ҳам, жиноят қидиувчиларда ҳам Болта билан Анзиратга шубҳа шубҳалигича қолди.

Шу орада Болта иш жойида содир этган майдада безорилиги учун ўн беш кунлик маъмурий қамоқча олинди. Унинг ичини ит тирнарди. «Нима бўлсаям Анзират гуллаб қўймасин», — деди ўзига-ўзи.

Хом сут эмган банда эмасми, қамоқхонада уни қўриқладиган милиционерга:

— Ўртоқ командир, мени хотинимга мактубим бор, шуни етказиб берсангиз, эвазига ўзидан юз сўм ола-

сиз. Мен бу ҳақда мактубим охирида хотинимга ёзаман, — деди.

Улар яшайдиган қишлоқдаги мұдхисі воқеадан ҳам, Болталар оиласи шубҳадалигидан ҳам милиционер максус хабардор эди. Шу туфайли бу таклиф унга ёқиб туыди.

«Агар хатида бирон бир жиноят изидан бохабар бўлсан, мукофот», — деди кулиб қўйди ўзига-ўзи навбатчи милиционер. Чунки у терговчининг тузоги ҳам эди-да.

— Майли, хатингизни берақолинг, мени навбатчиликни топширгач, албатта, хотинингизга етказаман.

Болта шоша-пиша мактуб битди-ю милиционерга узатди. Милиционер хатни олгач, унинг жиноятта дахлдорлигини сезди, шекилли дарҳол бошлиғига топшириди. Чунки, унга юз сўм пулдан кўра шу хат қимматлироқ эди.

Хатда шундай ёзувлар битилганди:

«Анзират, эҳтиёт бўл. Сира бўйнингга ола кўрма, ёрдам қиласиган одамларни изла. Хатни олиб борган кишига юз сўм пул бер...»

Терговчи хатни охирига етар етмас бошини чайқаганича телефонни кўтариб Анзиратни келтириш ҳақида туман ички ишлар бўлимининг бошлиғига топшириқ берди.

Анзират уйида йўқ. Эшигига катта қулф осилган. Кўни-кўшнилар ҳам, бирга ишловчилар ҳам хабарсиз.

Бундан хабар топган терговчининг соchlари тикка бўлди. Ички ишлар бўлимининг бошлиғи билан телефонда бир қадар айтишиб ҳам олди.

— Агар қочириб қўёган бўлсангиз мен сизга тинчлик бермайман, — деди тақ эткизганча телефон трубкасини жойига қўйди.

Ўша заҳоти прокурор ҳузурида тезкор йигилиш ўтиказилди. Йигилишда терговчи Раҳматулло Исоқов прокурор ва йигилиш қатнашчиларини Анзиратнинг уйида йўқлигидан хабардор қилиб, унинг ишда айни вақтда асосий гумондорлардан бири эканлигига, суриштирув органи эса уни ҳеч жойига кетиб қолмаслик чораларини кўрмаганлигига асосий зътиборни қаратди.

Йигилиш жуда мунозарали бўлди. Прокурор Анзиратни топиш зарурлиги тўғрисида барча тезкор ходимларга топшириқ бериб, катта ёрдамчиси Мажид Холмирзаевга ички ишлар бўлими бошлигини жазолаш ҳақида вилоят ички ишлар бошқармасига тақдимнома киритипликни буюрди.

Ҳамма чиққач прокурор иягига ўнг қўлини тираганича:

«Терговчининг куйиб пишишида жон бор. Болта юборган хат мазмуни тушунарсиз бўлсада, шу жиноятга хотини иккаласини дахли борга ўхшаб кетади. Нима бўлгандаем эҳтиёткорлик яхши. Акс ҳолда Анзират Болтанинг хатидан хабар топса, иш орқага кетиши аниқ.

Болтани қамоқдан чиқариб юборсачи, унда янайм ёмон бўлади. Улар бошқа жойларга қочиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Агар Болтани ёки Анзиратни жиноятга дахли бўлмаса, унда нима учун у Анзиратни ҳушёрликка чақирди? Нимани назарда тутди экан-а? Наҳотки уларнинг иши бўлса? — дея анча йўга толди.

Хизмат хонасининг эшиги очилиб, эшикда катта ёрдамчиси Мажид Холмирзаев кўриниши билан унинг хаёли бўлинди.

- Абдураҳмон Шукурович, мумкинми?
- Ҳа Мажид ака?
- Тақдимнома тайёр, — деб Мажид ака икки варақ қоғозни прокурорга узатди.

Прокурор тақдимномани имзолаб Мажид акага узатди-да:

— Сиз ҳам Исоқовга ёрдам беринг, — деб хизмат хонасидан чиқиб кетди.

Прокурордан эшитарини эшитган ички ишлар бўлимининг бошлиги ҳамма милиция ходимларини оёқ-қа турғизди. Давлат автомобил назорати ходимларига йўлдан ўтувчи барча машиналарни текшириш топширилиб, иккитадан қуролланган ходим қўшилди. Ҳар бирида тўрттадан тезкор ходим бўлган учта гуруҳ қўшни туманларга жўнатилди.

Ҳудуд нозирлари ҳам қўшимча кучлар олишиб, жой-жойларига кетишиди.

Гүмбаз қишлоғида кеңаю-кундуз туралынан соқчылар ташкил қилинди. Соқчылар таъминлаш ва назорат қилиш бошлық ўринбосари Ўткир Хўжанов зими масига юклатилди.

Кун бўйи Анзират қидирилди, аммо у топилмади. Унинг бундай шубҳали йўқ бўлиб қолиши терговчини яна ҳам диққатини тортди.

«Наҳот Анзиратнинг иши бўлса, ўз қўшнисига-я» — ўйларди ручкасини столга тиқ-тиқ урганича терговчи. У қанчалик ўйламасин, аммо иш жумбоқлигича эди.

Гүмбаз қишлоғига қўйилган соқчилар кечаси қўшимча кучлар билан тўлдирилди. Туман ички ишлар бўлнимининг ўринбосари Ўткир Хўжанов жиноят қидириув ишлари бўйича анчагина тажрибали бўлгани учун ҳам соқчилар билан қишлоқни тўлиғича ўраб олди ва ўзи қишлоқ четида жойлашган хўжалик идорасига қайтди.

Тўрт соатлик танаффусдан сўнг Ўткир Хўжанов терговчига сим қоқиб, вазият ҳақида ахборот бердида, соат миллари йигирма учдан ҳам ошиб қолганлигини кўриб, уйқусини қочириш мақсадида соқчиларни текширишга қарор қилди. Тўпкончасини шимининг қайшишига қистирди-да ташқарига чиқди.

Ўн, ўн икки кунлик ойнинг шуъласи қоронги тунни нима хира ёритиб турарди. У ойга бир қараб олди-ю, биринчи постдаги соқчилар томон йўл олди.

Кўп юрмасидан бир шарпага кўзи тушди. Юзини бурмасдан кўз қири билан қараб, унинг аёл киши эканлигини сезди ва унга билдирамаслик мақсадида ҳаракатини давом эттириди. Аёл уни кўрган заҳоти йўлини ўзгартириди. Ўткир Хўжанов уни қочириб қўймаслик учун аёл томонга бурилди. Аммо, ноҳосдан бир аёлни тутиб олиш қанчалик одобсизлик эканлигини билган Ўткир Хўжанов ўйланиб қолди. Шу вақт аёл бир зум тўхтади ва ораларидаги масофани узайтириш учун орқага тисирилиб юра бошлади. Сўнгра жуда катта тезлик билан пахта майдони оралаб қочди. Хўжанов эса унинг кимлигини билмасада, орқасидан юрди.

Аёл анча олдинлаб кетди. Ўткир Хўжанов «Ким бўлсаям тутиш керак, ҳарқалай қочиши ҳам, ярим тунда ёлғиз юриши ҳам шубҳали», — деган ўй билан қадамини тезлатди.

Жиноят қидирув вакилининг жисмоний чиниқувви қўл келди. Ўрталаридағи масофа анча яқинлашгач:

— Тўхтанг, жиноят қидирув бўлимиданман, тўхтанг, отиб ташлайман, ўзингизни таниширинг, қочманг, — деди тўппончасини қўлига олиб.

Аёл югуришдан тўхтамагач Ўткир Хўжанов тўппончасини юқорига кўтариб ўқ узди. Ўқ овозини эшигтан соқчилар ёрдамга етиб келишди. Аёлни қуршовга олишди. Ўшанда унинг Анзират эканлигини аглашди.

Ўткир Хўжанов ўйланиб қолди. Ёнида турган жиноят қидирув бўлими бошлиғига қараб:

— Бу аёл киши бўлса, эркак кишиларга ушлатсан бир туҳматнинг тагида қолмайлик тағин. Ҳали бунинг жиноятчи экани тўғрисида бирон бир далил ҳам йўқку.

— Ушламасак қочиб кетсачи, — деди сұҳбатдоши. Ўткир Хўжанов ҳалқа солиб турган ходимлардан бирiga юzlаниб:

— Дарҳол қишлоқдан иккита аёл кишини холисликка олиб келинг, — деб топшириқ берди.

Анзират ҳалқадан чиқиб кетишга уринар, милиция ходимлари эса уни чиқариб юбормаслик учун ҳаракат қилар эди. Ора-сирада аёл пўписа ҳам қилар, прокурорга шикоят қилиш билан қўрқитишга уринди ҳам. Аммо йигитлар бўш келишмади.

Орадан ўттиз — қирқ дақиқалар ўтгач милиция катта лейтенанти Ҳусан Файзиев икки аёл ва бир эркак кишини бошлаб келди. Уларнинг иштирокида милиция ходимлари Анзиратни қўлидан тутиб қишлоқ марказига, у ерда машинага ўтқазишиб терговчи ҳузурига олиб боришиди.

Кўзини уқалаб прокуратура эшигини очган терговчи Исоқов:

— Конунда кеч соат йигирма иккidan эрталаб соат

олтига қадарлик сўроқ қилиш мумкин эмас, шошилинч сўроқ қилишга эса зарурият йўқ, эрталабгача уй шароитида ушлаб туринглар, — деб прокуратурага кириб кетди.

Терговчи бомдод номози учун айтилган озонни эшитиб уйғонди.

Ювиниб, тараниб хонасига киргач иш жойига ўтириб, Оллоҳдан мадад сўраб юзига қўлларини тортган вақти эшик секин тиққиллади.

— Кираверинг, — деди Раҳматулло Анербоевич ўрнидан туриб. Эшик очилиб икки милиционер ва Анзират кирди.

Қисқача салом алик билан тергов бошлианди.

— Ҳа Анзиратхон, нима шов-шув? Уйингизда ҳам йўқсиз?

— Онамникига боргандим.

— Қалай, онангиз яхшимикан?

— Яхши экан.

— Онани кўриш яхши, аммо кечаси ёлғиз юрига қўрқмадингизми?

— Кундузи вақтим бўлмади. Эрталаб ишга етиб боришимни ўйлаб кечаси уйга қайтдим. Нима қилай, уй қаровсиз бўлса, эрим эса қамоқда.

— Унда нега қоцдингиз?

— Эркак киши қува бошлагач қандай қочмай, мана мен деб туришим керакми? Бунинг устига ярим кеча бўлса. Нотаниш эркак.

— Ўзини танинтиргандан кейин нега тўхтамадингиз?

— Биринчидан мени қувган киши фуқаро кийимида эди. Уни пешонасига ёзилмаган бўлса керак милиция ходими деб. Ёки сизларнинг милициянгизни пешонасига ёзилганми? Ёзилганда ҳам кечаси кўринмасди.

Терговчи Анзиратнинг шаккоклигига қойил қолди. Бундан гап олиш қийинга ўхшайди, дегандай аёлнинг ёнида ўтирган милиционерлардан бирига қараб қўйди.

Раҳматулло Анербоевичнинг киприклари бехосдан Анзиратнинг кўзларига қадалди. «Наҳот шунча муғом-

бирсан? Етти йилдан буён турли жиноятларни очганман, уларни менман деган жиноятчилар содир эттан, ҳатто, орадан тўрт йил ўтиб очилган қасддан одам ўлдириш жиноятлари ҳам бор, сенку кеча турилган жиноятисан, жиноятчи эканлигингни исбот қилиб бериш эса мени вазифам», деган фикрлар унинг миясидан ўта бошлади.

Шундай ҳам бўлди. Терговчи жиноятни очиш учун бор тажрибасини ишга солди. Анзират ҳарчанд ўзини тутиб бермасликка уринмасин, терговчи унга йўл бермади. Сўроқ қилиш кечга қадар давом этди. Ҳамма томондан қамраб олинган сўроқларга бардош беролмаган Анзиратнинг қўллари титрай бошлади.

Терговчининг:

— Бекзодни сиз ўлдиргансиз, — деган қатъий фикрини эшитган Анзират ўзини тутолмай бўкирганча йиглаб юборди.

— Йиғлашнинг кераги йўқ, ундан кўра воқеани очиқ ойдин гапириб берсангиз қонун сизга енгиллик беради, — деди терговчи уни юпатган бўлиб.

Терговга бардош беролмаган Анзират бўлган воқеани қоғозга тушириб, терговчига узатди.

— Содир эттан жиноятингизга икрор бўлганлигиниз учун раҳмат, бу бошқа гап, — дедида муваффакиятдан мамнун терговчи кўзлари қувнаб сўроқ протоколини ўқий бошлади.

Ҳа, ўша якшанба. Бекзод бехосдан йўқолиб қолган кун. Бекзод Анзиратнинг ўғли Санжар билан битта чўпнинг устида талашиб қолди. Анзират воқеани кўриб, ўзини Бувизайдага билан иш жойига талашаёттандек ҳис этди. Ана шу иш учун доим ундан ўч олиш, уни қийнаш, хўрлаш дардида куйиб-ёнарди. Агар Бувизайдага сал бўлса-да ёмои шамол тегса, Анзират бундан ором оларди. Анзират, ўғли Санжар билан Бекзод тортишувини кузатаркан, кўз ўнгида рақиби Бувизайданинг қиёфаси гавдаланди.

— Ўглим торт, қаттиқроқ торт, — дея Санжарга ҳимо берди.

Санжар эплай олмади. Бекзод таёқни тортиб олди. Хаёлида Бувизайдага ундан мансабини тортиб олгандай

сезди ўзини. Ўша заҳоти унинг Бувизайдага бўлган ҳасади бутун вужудини қитиқлай бошлади. Анзират бир зумда ўзини йўқотди. Қандайдир қора куч унинг оёғи учидан бошигача кўтарилиб, баданини совуқ тер босди.

— Ҳали сен тирранча мени ўғлимга зўрлик қилмоқчимисан? Йўқ, йўқ. Бувизайда ҳам, сен ҳам зўр бўлмаслигинг керак, зўр бўлишларингни ҳоҳламайман. Кўролмайман сенларни, кўролмайман, — деди ю баҳайбат қўллари мурғак Бекзоднинг бопига гурзи бўлиб тушди.

Анзиратнинг қаҳридан еру фалак титради. Бекзод қаттиқ чинқирган ҳамон ҳушидан кетди. Кўзларини ёвузлик, разолат қонлари босган ҳасадгўй Анзират, ёнида ётган таёқни олди-ю, бор кучи билан Бекзодни ура бошлади.

Ҳали янги экилган ниҳолдек эндигина ривожланиб келаётган ёш бола бош мияси ва қовурғаларининг синиб кетиши натижасида ўша заҳотиёқ қонхўр Анзиратнинг оёқлари остида типирчилаганча жон берди. Буни бирор билиб қолишини ҳоҳламаган Анзират дастлаб довдирай бошлади. Лекин ўзини тезда қўлга олди. Бекзоднинг жасадини зудлик билан ердан олдию саройдаги бедалар остига яширди. Таёқни олиб тандирга ёқди. Бир зумда жиноят изларини йўқотди.

Ўғли Санжар ҳам уч-тўрт ёшли бола бўлса-да, аммо у бўшанг, кўп нарсани фаҳмига бормайди. Барибир воқеа уни кўз ўнгидаги бўлди-ку. Лип этиб оғзидан чиқиб кетса.

Анзират шулар ҳақида ўйлади-да, ханфсираб ўғлини уйига киритиб, ухлатиб ташлади. Сунгра ташқарига чиқиб, танасининг титраб қалтираёттанилигини боласини излаб юрган Бувизайдага сездирмаслик учун ҳовлисини қайта-қайта супира бошлади.

— Яхшиям сезмади, — деди лабларини пичирлатганича ўзини маҳкам тутган Анзират. Аммо, эртаси куни искович ит билан милиция ходимлари тўғридан-тўғри уларнинг саройига кириб борганида жони узилишига сал қолди.

Келганлар тирик болани ахтаришди, шекилли беда-

лар тагига эътибор қилмадилар. Бундан хурсанд бўлган Анзират жиноятини эридан яшириш керакми ёки йўқми — ўйланиб қолди. Анча ётиб, бу ҳаёл сурди ва ниҳоят айтишга қарор қилди. Болтанинг ёрдамига, ҳеч бўлмаганда маслаҳатига муҳтожлик сезарди. Фурури йўл қўймасада ўзини мажбуrlаб эрининг елкасини уқалаган киши бўлдида, гап бошлади!

— Милициячилар искович ит билан саройга кирганидан қўрқиб кетдим.

— Нега қўрқасан? — сўради Болта ҳовлиқиб.

— Барибир одам бошқача бўларкан да. Ҳар қалай ит беҳуда бизларнинг саройга кирмаса керак?

Болта Анзиратнинг гапидан ҳушёр тортди, шекилли сакраб ўрнидан турганича Анзиратга юzlаниб:

— Нима гап? Нима учун бизнинг саройга кириши керак? Кечадан буён хаёлинг жойида эмас, ороминг бузилган кўринади?

Анзират йиғламоқчи бўлдию, дарғазаб аёл эмасми, йиғлай олмади. Бироз ўртага тушган жимлиқдан сўнг зрига воқеани тушунтириди. Хотинини гапини икки қила олмайдиган Болта жиноят нақадар оғирлигини, жуда хунук воқеа содир бўлганини сезган бўлсада, аммо гап сўз қилиш вақти эмас, жиноятни яшириш керак деган фикрга келди шекилли, хотинини койиб ҳам ўтирмади. Бир йўла ўликнинг жойини ўзгартириш режасини тузди.

— Ўликни бедалар остидан олиш керак. Айниқса искович ит хавфли. У яна келиб қолса-чи? Сасиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас, — дедида Болта чаққонлик билан кийина бошлади.

Ярим тунда эр-хотин жасадни ўғит солинадиган сунъий халтага солишиб, халта оғзини ҳид чиқмайдиган қилиб маҳкам боғлаб, ташқаридаги рўзапоялар остига яширишди. Уйга қайтиб киришгач? Санжарни уйғотишди. Уйқусини қочириш учун ярим тунда юзига сув сепищдан ҳам тоймади улар. Сўнгра ундан Бекзод билан бўлган воқеани сўрашган эди, Санжар гулдирай бошлади. Шунда Анзират унинг оғзига бир шапалоқ урди. Бу воқеадан қўрқиб кетган Санжар йиғламоқчи бўлганди, Анзират уни бўйнидан бўвиб:

— Ўчир овозингни. Агар Бекзодни урганимни бирорга айтсанг, ана шу құлларим билан сени ҳам ўлдирман, — деб қүрқитди.

Бола бечора нима бўлаётганлигини тушунмай қўрқув аралаш ёстиққа бош қўйганча ухлаб қолди.

Эртаси куни Анзират Санжарни текшир-текширдан узоқлатиш мақсадида онасиникига Болтадан бериб юборди. Ўзи эса:

— Бекзод йўқолгандан қўрқиб қолдим. Мен ҳам Санжаримни йўқотиб қўймайин деб онамникига жўнатиб юбордим, — деб гап тарқатди.

Қидирув устига қидирув бошланди. Ҳамма томон шов-шув. Анзират билан Болта жиноятини сездирмаслик учун кўпроқ қидирувчиларга шерик. Аммо, иккаласининг ҳам ороми йўқолган. Навбатдаги кечаси яна маслаҳат узоқ чўзилди. Анзират жасадни йўқ қилиш ҳақида қатъий туриб олди.

— Майли, йўқ қилдик ҳам дейлик, қандай йўқ қиласиз, — деди Болта.

— Қўрқманг. Шундай қилингки улар чалғиб қолишин.

— Сезиб қолиша ҳолимизга маймунлар йиғламасин, — деди Болта қўрқинсираб.

— Қанақа эркаксиз ўзи? — деди-да Анзират чорхона чизиқди дафтаридан бир варағини қайчи билан кесиб олиб, эрига узатаркан:

— Мана шу қоғозга «Қиморга ютилган бола», деб ёзинг. Чалғиши учун рубоб ва қартанинг расмини ҳам чизиб қўйинг. Лекин дастхатингизни ўзгартириб ёзмасангиз бўлмас, — деди.

Болта қоғозни олиб калланг ишлайди, дегандай бир қараш қилди-да топшириқни хотини айтгандек баъжарди.

Иккаласи ўша тун ярмида Бекзоднинг жасадини Ҳакимнинг ҳовлиси томонидаги ариқ ичига олиб бориб, халтадан чиқариб, елкасига хатчани қистириб қочишиди.

Воажабо! Шу билан иккаласи ҳам қутилгандек бўлишиди. Аммо...

Терговчи сўроқ протоколини ўқиб бўлгач, Бекзодга

раҳми келганиданми, ёки эр-хотиннинг шунчалик ту-банликка юз туттаниданми, унинг кўзларида беихтиёр ёш қалқиди. Қанчалик нафрати уйғонмасин, касб одобига кўра Анзиратга сездирмади.

Болта Анзират гуллаб қўйганлигини ўн беш кунлик қамоқдан келтирилиб, у билан юзлаштирилгач англади. Чунки у терговчининг «эзингиз бўлган воқеани айтиб берди, энди яширганингизнинг фойдаси йўқ» деган «ҳийла»сига илинганди. Нима бўлса ҳам ғишт қолипдан кўчган. Шу вақт терговчининг эшиги ортидан:

— Рухсат этинг, — деган овоз эшиги тилди.

— Киринг, кираверинг, — деди терговчи овозини кўтариб.

Эшик очилиб, экспертиза хulosаларига юборилган милиция ходими Ҳусан Файзиев кириб келди.

— Топширингингиз бажариди. Экспертиза хulosаларини келтирдим, — деди милиция нозири.

— Хўш, нима хulosага келишибди?

— Марҳамат, ўқиб кўринг, — деб капитан Файзиев қўлидаги ҳужжатларни терговчига узатди.

— Менинг кўзларим анча толиқдан, хulosа қисми-ни ўзингиз ўқиб беринг, — деди терговчи милиция капитанига юзланди.

— Суд криминалистика экспертизаси Бекзоднинг мурдаси устидан топилган, «Қиморга ютилган бола» деб ёзив қолдирилган қофозча Анзиратнинг уйидан тинтуб чоғида топилган дафтардан қирқиб олинган, шу қофозча билан Анзират томонидан боғчада тузилган далолатнома битта дафтардан олинган, «Қиморга ютилган бола» деган ёзув Болта томонидан бажарилган, — деб хulosса берибди.

Терговчи ўрнидан туриб:

— Раҳмат капитан Файзиев! Жиноятни очишда хизматингиз катта бўлди, — деб қўлинни сиқиб қўйди.

... Тергов охирлашиб қолган. Прокурорнинг хизмат хонасига бир аёл кириб келди.

— Келинг онажон! — деди Абдураҳмон Шукурович ўрнидан туриб.

— Ассалому-алайкум! Прокурор Шукуров сизми? — деди ҳалиги аёл.

— Ҳа, адашмабсиз, — деб ўрнидан туриб аёлга ўтириш учун жой кўрсатди.

Аёл ўтиаркан:

— Мен Гумбаз қишлоғиданман. Қишлоғимизда со-дир бўлган воқеа ҳеч кимни бефарқ қўймади. Мен қишлоқ хотин-қизларининг вакиласи сифатида сиз-ларга, терговчи Исоқовга, ҳамма-ҳаммаларингизга раҳмат айтгани келдим, — деди прокурор узатган чой-дан хўпларкан.

— Яхшиям орган бор, агар бўлмаса... Кичкина бир арзимас нафс — мансаб учун аёл кишининг қабоҳатга кўл уриши даҳшат болам, даҳшат. Наҳот инсон шун-чалик ҳам қабиҳ бўлса. Садқаи она кетсин. Ҳайф ун-дайларга.

Абдураҳмон Шукурович аёлнинг гапини бўлиб, Анзират билан Болтани айблаш учун етарли далиллар тўплангандигини, жиноят иши судга оширилгандини гапириб берди.

Аёл ўрнидан тургач:

— Қотилларни бозор ўртасига чиқариб, тошбўрон қилиб ўлдирсак қандай бўларкан, деб келгандим, — деди.

Прокурор онахонга қонун талабини тушунириб остоная қадар кузатиб қўйди.

Орадан кўп ўтмай адолат разолат устидан ғалаба қилди. Анзират билан Болтанинг қилмиши иймон та-розисида тортилди. Норасида гўдак баданига боттан чиркин қўлларга кишан урилди...

## ЙИЛЛАР САДОСИ

Баҳорнинг иссиқ кунлари. Қуёш эрта тонгдан саломга келган қобил фарзанд сингари Бурган қишлоғи уэра эгилиб турибди. Қишлоқ оралаб сойдан оқаётган зилол сув шалдироғи сайроқи қушларнинг хонишию, қўй-қўзиларнинг маъраши билан уйғуналашиб кетади. Сой атрофлари боти эрамдек ястанган. Қир-адирлар атлас кўйлак кийинтирилган янги келинчак каби кўзни қамаштиради.

Сайлгоҳ ҳар сафаргидан ҳам файзлироқ. Кимдир чанқовуз чалиш, кимдир шар пулаб осмонга учириси, ёш йигитлар эса тухум уриштириш билан банд. Ҳар тарафдан турнадек саф тортиб, қўлларига турли хил ўйинчоқлар ушлаганларича сайлгоҳ томон шошилаётган болачаларнинг охири кўринмайди.

Ранго-ранг япроқларини мовий осмон сари узатиб турган серсавлат бобо чинор қуёшнинг тилларанг ёғдулари оғушига кирган бир пайтда ҳашамдор шохларини макон қилиб олишган кабутарлар сайлгоҳдан янгратган карнай-сурнай садоларидан чўчиб, потирлаб қўзғалишди.

Чинордан уч юз метр узоқлиқда жойлашган, мусулмон оламининг илмий таянчи бўлмиш Бухорои шарифдаги жомеъ масжидлари сингари кўркам Ҳонақоҳ масжиди рамазон номози ўқишга тўпланганлар билан гавжум.

Амирқул бобо таҳорат олиб бўлгач мустаҳабхонадан чиқди-ю, бобо чинор томондаги улкан тепалик устида тўхтаган машинага кўзи тушди. Юз-қўлларини шоша-пиша артғач, ранглари оқарган ҳолда бўлим бошқарувчиси Абди aka томон югурди.

— Оқсоқол! Яна келишди улар.

— Ким келди?, — сўради масжид ҳовлисида номоз ўқилишини кутиб турган Абди aka Қаршиев ўрнидан туриб.

— Ҳу ана у тепалиқда турган машинадан икки кипши тушди. Чинор ёнидан келишшаяпти, шекилли.

Үша пайтлар динг қарши сиёсатнинг энг ривожланган палласи. Аксарият масжидлар ёпиб ташланган. Бундан хабардор ҳалқ икки меҳмоннинг келишига иоризолик билан қаради. Шов-шув нафақат номозга тўпланганларни, балки, сайилгоҳдагиларни ҳам безовталантириди.

Абди ака бригада оқсоқолини чақириб:

— Зухуров, менинг мөхимнинг қайтариш чорасини кўраман. Аммо ҳар экътимолга қарши мактаб директорини ҳам хабардор қилиб қўйинг, ўқувчилар сайлга чиқсан бўлсалар гап тегиб қолмасин, тағин. Номозни ҳам сал кечиктириб туриңгизлар, — деб ўзи чинор томонга кетди.

Қувондиқ ака Зухуровнинг хабари мактаб директорини ҳам зътиборсиз қолдирмади. Ўқувчиларни сайлгоҳдан қайтариш чоралари кўрилди.

Кўшни қишлоқ ва шаҳарлардан келишган атторлар меҳмонлар келишганлигидан хабар топтач, сайлгоҳни тарк этишга беихтиёр мажбур бўлдилар.

Абди ака чинор томонга кетган заҳоти имом хатиб Эшмамат бобо номозга келганларни масжид ичкарисига киритиб, ёш номозхонлардан бирига дарвоза ва эшикларни ёпиб қўйишни, ташқаридан кузатиб туришни буюрди. Ўзи эса масжид ичкарисида ваъзхонлик қилишга киришди:

— Мұхтарам жамоа! Бир куни Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаллам Макка кўчаларининг бирида кетаётуб Рукона исмли бир кишига йўлиқиб қолдилар. Бу эса Қурайш йигитлари ичида энг атоқдик баҳодирлардан эрди. Уни кўриб:

— Эй Рукона, Худодан қўрқ! Мен Аллоҳнинг пайғамбари дурман, иймон келтириб мусулмон бўлғил, — дедилар. Анда ул вайтди: — Эй Мұҳаммад, пайғамбарлигинга бир аломат кўрсатур бўлсанг иймон келтирур эдим, далил ҳужжатсиз қандай мусулмон бўлурман, — деди. Расулуллоҳ айтдилар: — Агар аломат кўрсатсан мусулмон бўлурмисан? Рукона: — Албатта мусулмон бўлурман, — деди. Пайғамбаримиз йироқдан кўриниб турган бир туп дараҳтга қараб: Аллоҳ изни билан олдимга келгил, — дедилар. Шундоғ

дэйишлари билан ул дараахт турган жойида тенг ёрилиб, иккига ажралди. Ярмиси турган жойида қолди.

Қолган ярми ерни ёрганича Расуллоҳга келиб салом берди. Буни курган Рукона ҳайрон қолиб: — Эй Мұхаммад, энг улуғ иш күрсатдинг, бунга буюргил, яна ўз жойига борсин, — деди.

Расуллоҳ: — Агар буюрсам, жойига бориб қүшилса иймон келтиурмисан? — дедилар. Рукона: — Албатта иймон келтиурман, — деб ваъда берди. Расуллоҳнинг буйруғига биноан, Ҳудонинг қудрати билан бу ярми бориб олдинги ярмига ёпишиб, аслига қайтди...

Мен нима демоқчиман? Ҳудонинг қарами кенг. Бу кунлар ўтиб, дини ислом ривож топадиган вақтлар олдинда. Аллоҳнинг ўзи элу-юрга тинчлик, исломга ривож берсин. Омин.

Ҳамма қўлларини кўтаришиб, юзларига тортишди. Номозхонлар ўртасида кўтарилган Ризоқул бобо:

— Тақсир, менга бир оғиз сўз беринг, — деди.

— Марҳамат, гапиринг.

— Азиз қишлоқдошлар! Охирги йилларда давлатимиз сиёсати ўзгариб, Русиянинг таъсири остида динимизга қарши кураш кучайтириб юборилди. Кўплаб масжидлар ёлилди. Муллалар қувғин остига олинди. Ноёб китоблар ёқилиб, тарихий манбаларимиз кулга айлантирилди. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, бизнинг Хонақоҳ масжидимизга уларнинг қадами етсада кучи етганларича йўқ. Ином катиб келтирган ривоят замира иде жуда катта маъно бор. Сизларнинг Ҳудога қилаётган илтижоларингиз звазига улар бизга кучсизлик қилмоқда. Бугунгиларини ҳам Ҳудонинг ўзи қайтарсин. Қолаверса қишлоғимизнинг жонкуяр раҳбари Абди ака бор. У кишининг обрўси катта. Мабодо меҳмонлар масжидга келиб қолишсалар, уларга қаттиқ гапириш керак эмас. Абди ака бизларга гап теккизиб қўймайди. Келинг, шу Абди Қаршиев учун бир дуо қиласайлик.

Ином катиб қўлларини очиб:

— Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! Омин. Аллоҳу Акбар.

Ҳамма бир овоздан гур этиб омнин қилишди. Шу орада Абди ака чинор тагига яқинлашиб қолди ва меҳмонлардан бирини таниб:

— Ия, Чинниқул Мўминовичку, — деб юборди.

— Ассалому алайкум! Хуш келибсизлар! — деди меҳмонлар билан кўришаркан. Меҳмонлардан бири «Мойбулоқ» давлат хўжалигининг директори Мўминов Чинниқул Мўминович эди. Хўжалик раҳбари Абди акани қўлинни сиқиб, кўришиб бўлгач:

— Абди ака шу киши бўладилар. Кўп йиллардан буён қишлоқ оқсоқоли. Тиниб тинчимас раҳбар. Ҳамма режаларни биринчилар қатори уддалайди. Қишлоққа бегонани аралатмасдан, ҳалқнинг муаммоларини ўзи ҳал қилиб беради. Шу сабабли ҳам қишлоқдошлири бу кишини жуда қаттиқ ҳурмат қилишади.

Абди ака хўжалик раҳбарининг мақтovларидан уялиб:

— Сал ошириб юбордингиз, хўжайин, — деди кулимсираб.

— Меҳмонни танийсизми? Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлигининг янги мувонини Аббос Аҳмедович, чорвани кўриш ниятидалар.

— Хурсандман, хуш келибсизлар! Ҳайитларингиз қутлуг бўлсин! Биз узокдан танимабмиз. «Қўрқсанга қўша кўринади», дегандек атеистчилар деб ўйлаб номозни ҳам тўхтатиб қўйибман.

— Бу сайилларинг жуда зўр бўларканда-а? — деди сайилгоҳга ишора қилиб меҳмон.

— Ҳа, бизда сайил жуда байрамона тус олган. Йўқ қилишга уринганлар ҳам кўп бўлишди, аммо ҳалқимиз жуда аҳил. Ҳаммамиз бир бўлишиб атеистларни яхшилик билан қайтарганимиз.

Аббос Аҳмедович қишлоқ манзарасига жуда қизиқиши билан назар ташлар экан:

— Чинор жуда кўп йилликка ўхшайди, — дея осмонўпар чинорга разм сола бошлади.

— Ҳа, бу улкан чинор саккиз юз йилдан ортиқ умр кўрган. Пастки қисмига эътибор беринг-а, қарийб, йигирма метр келади.

— Бундай ёши катта чинор бу ўртада бошқа йўқ.

Бурганиклар ҳурмат билан чинор бобо дейишади. — деди Чинниқул Мұмінович Абди аканинг гапини тұлдириб.

— Номозни тұхтатиб қўйғандим, тезроқ борайлик, — деб Абди ака мәҳмонларни Хонақоҳ томон бошлади.

Мәҳмонларни масжид дарвозаси олдида имом хатиб бошчилигида Ризқул бобо, Қувондиқ ака ва икки-учта қишлоқ қариялари кутиб олишди.

Қисқа муддатли салом-алик ва танишувдан сўнг имом хатиб:

— Хуш келибсизлар! Баракалло, баракалло... Бизлар сайилни тұхтаттани келдингизлар, деб сал хавотирга тушғандик. Яхшиям сизлар экансизлар. Айниқса, Чинниқул Мұмінович сизни халқымиз жуда ҳурмат қилаади. Сиз раҳбар бўлдингизу, қишлоғимизгача йўллар асфальтланди.

— Кўп савоб иш қилдингиз. Отангизга раҳмат! Электр нурини айтмайсизми? — деди Ризоқул бобо хурсандчилигини яширомасдан.

— Ҳа, яхшидан ном қолади, деб бежиз айтишмаган доно халқимиз.

— Барака топинг! Кўп яшанг! Қани масжидимизга марҳамат, — деб Эшмамат бобо мәҳмонларни Хонақоҳга таклиф этди.

Мәҳмонларга нон-чой, ширинликлар тортилгач, номозхонлар күтаринки руҳ билан рамазон номозини ўқишига кирищдилар.

Абди ака мәҳмонларга Хонақоҳ масжидининг тарихи ҳақида сўзлаб берди. Мәҳмонлар масжид биноси, унинг меъморий безаклари, нақшинкор устунлари, ундаги араб алифбосида баён қилинган нафис ёзувлар билан танишгаёт. Абди ака уларни масжиддинг қибласында жойлашган Мұҳаммад донишманд Сўфи ота қабри зиёратига таклиф қилди.

Қабр томон бориши чорида Абди ака мәҳмонларга Мұҳаммад донишманд Сўфи отанинг қабри ҳақида, у киши Аҳмад Яссавийнинг халифаси эканлиги, катта авлиёлiği, ўн иккинчи асрға мансуб тарихий шахслиги ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Қабр ёнида дуои фотиҳалар ўқилди.

— Қишлоғимиз жуда қадимий, олимларнинг фикрича тўрт минг беш юз йилдан ортиқ тарихга эга. Кўплаб хонликлар ўтган. Бугунги кунда «Киримқўрғон», «Жарқўрғон», деб аталадиган тарихий жойлар хон қўргонлари бўлганлиги аниқ. Қарияларимизнинг айтишича Амир Темурнинг ҳам қадами етган экан, — деб Абди ака қишлоқ тарихига тўхтади.

— Қишлоқнинг узуналиги ўттиз километрдан зиёд. Мингдан ортиқ оила яшайди. Шу сабабли кўплар минг уйли Бурган, деб ҳам аташади, — деб Чинниқул Мўминович ҳам қўшиб қўйди.

Меҳмон сұхбатни қизиқиш билан тинглаб:

«Бурган» нима маънони англатади? — сўради қўлида ушлаб турган папкаси билан кўзларини қуёш нурларидан тўсаркан.

— Аниқ бир нарса дейиш қийин. Жуда эски ном. Айтишларича «Бурган» уч хил маънони бераркан. Биринчиси, Буркон, яъни донга кон дегани эмиш. Иккинчиси, Бурғон яъни шерлар макони деган маънони берармиш. Учинчиси, Бурган — доривор ўсимлик номи. Кўпчилик оқсоқолларимиз фикрича қишлоқ ана шу ўсимлик номи билан аталган. Ривоят қилишларича бошқа эл-элатлардан бурган олиб кетиш учун бизнинг қишлоғимизга келишганлар. Бурганга борамиз, дейишиб шундан қишлоқ номи Бурган бўлиб кетган. Бурган ўсимлиги ҳозир ҳам қишлоғимизда жуда кўп.

— Шуниси ҳақиқатта яқин бўлса керак, — деди Чинниқул Мўминович Абди акани қувватлаб.

Самарқандлик меҳмон сұхбатта жуда қизиқиб қолди, шекилли:

— Чинорнинг тарихи ҳам биласизми? — деди Абди акага қараб.

— Чинор ҳам ўн иккинчи асрга мансуб. Ривоят қилишларича Муҳаммад дониниманд Сўфи ота ҳассасини ўша жойга суқиб қолдириб, ўзи ундан сал нарироқда дам олган эканлар. Оллоҳнинг иродаси билан у қишининг ҳассасидан ана шундай улкан чинор пайдо бўлганмиш. У киши ўтириб, дам олган жойларида бир кўк рангли тош ҳосил бўлган. Ҳозир-ҳозиргача кўйкўй-

тал билан оғриғанлар шу тошдан шифо топишади, — деб Абди ака гапини тұхтатди.

Сүнгра мәжмонарның әргаштириб сой бүйига чиқди ва зәнді режа қандай деган маңнода хұжалик раҳбарита қаради.

— Аббос Ахмедович чорвага ветеринария хизматы күрсатыннинг ақвонини ўрганмоқчилар. Веттехникни топтириңг, — деди хұжалик раҳбари жиғдий тус олиб.

Абди ака веттехник Мұхаммад ака Пирматовни топиб келиш учун одам юбориб, мәжмонарни мактаб биносига таклиф қилды. Бұлым бошлиғининг хизмат хонаси бўлсада, одатда текширувчи ва мәжмонарни ортиқча уринтираслик учун мактабларда ёки отарларда қабул қиласди.

Мәжмонарни мактаб директори Жўрақул ака Қиличев ўринбосарлари билан биргаликда кутуб олиши. Аббос Ахмедович мактабни зимдан кузатар экан:

— Қишлоқ мактаби бўлса ҳам шаҳар мактабларидан қолишимас экан, — деди кўзлари қувнаб.

— Ҳа, мактабимиз туманда ўқувчилар сони бўйича иккинчи ўринда туради. Қишлоқ интернат мактаби. Қўшни қишлоқларга ҳам хизмат қиласди. Шароитларимиз яхши, — деб мактаб директори мәжмонарни хонасига таклиф қилды.

Ҳангома бир пиёла чой устида давом этди.

— Мактабимиз 1928 йилдан бүён фаолият кўрсатмоқда. Шу мактабда таҳсил олган кўплаб йигит-қизлар республикамизнинг равнақи учун турли соҳаларда меҳнат қилишмоқдалар. Раҳбарлар, фан ва маданият арбоблари ҳам бор. Айниқса мактабда маданий-маърифий, спорт мусобақаларига кенг имконият яратилган. Тумандаги кўплаб тадбирлар бизнинг мактабимизда ўтказилади, — деб Абди ака мәжмонга мактаб ҳаёти ҳақида қисқача ахборот берди.

Шу орада хабарчи Мұхаммад ака эрта тонгдан отарларга чиқиб кетгандығы ҳақида хабар олиб келди. Буни эшигтан Аббос Ахмедович:

— Сайил куни отарга чиққаныңа ҳеч ишонгим келмайди, — деди жаҳл билан ўрнидан туриб.

— Шаҳарлаб кетган бўлмасин, тагин. Хўжалик раҳбари ялт этиб Абди акага қаради.

— Пирматов шаҳарни кўрмаганига кўп йиллар бўлган бўлса керак. Уйига ҳам камдан кам келиб туради. Қолган вақти чўпонлар билан, — деди Жўрақул ака ҳазиллашиб.

Аббос Аҳмедович:

— Ундай бўлса отарларга борайлик, ҳаммаси равшан бўлади, — деб йўл бошлади.

Чинникул Мўминович ортидан келаётган Абди акага қараб:

— Уялиб қолмаймизми? — деб шивирлади.

Меҳмонлар мактаб директори билан хайрлашиб машинага ўтиришди. Машина тез орада қишлоқдан узоқлашиб, қир-адирлар бўйлаб шўнғиб кетди.

Самарқандлик меҳмон қишлоқдан анча узоқдаги фақат чорва ҳамда техника юрадиган йўлларга ҳам сув сепилиб, чанглар бостирилганидан ҳайрон бўлиб:

— Обком секретарини кутмаяпсизларми, мабодо, — деб йўллардаги тозаликка ишора қилди.

Абди ака тозаликни яхши кўради. Ҳамма вақт қишлоқда ҳам, отарларда ҳам тозаликни талаб қиласди. Ўзининг бундай ҳислатини яшириб:

— Ана у кўринаётган қўтон Ортиқ Қўзиев бошлиқ отарга тегишли. Ҳойна-ҳой Пирматов шу ерда бўлса керак, — деди Абди ака қўли билан қўтонни кўрсатиб.

Машина отарни айланиб ўтиб бош чўпон олдида тўхтади. Абди ака машинадан тушиш заҳоти шошганича:

— Ортиқвой, Пирматов Муҳаммад келмадими? — деди.

— Ассалому-алайкум, келингизлар. Муҳаммад ака ҳозиргина нариги отарга кетди, — деди кўриша туриб.

Меҳмон отаргача йўлларга сув сепилганлигини, қўтон оппоқ қилиб бўяб қўйилганлигини, деворларига турли хил шиорлар осилганлигини, қўтон ичи тозалигини, дизинфекция қилинганлиги кўриниб турганлигини кўриб ҳайрон қолди.

— Ҳар доим ҳам шундай тоза ишлайсизларми, ёки

буғун Абди ақа хабар қилғанми? — деди Аббос Аҳмединович Ортиқ акани қўлини сиқиб.

— Ҳар доим шундай, — деди Ортиқ ақа меҳмон билан хайрлаша туриб. Машина қўшни отар томон жўнади. Аббос Аҳмединович қир-адирларга завқланиб қарап, эшитилар-эшитилмас ҳиргойи қиласди. Меҳмоннинг бу қадар қайфиятини сезган Чинниқул Мўминович:

— Ўзбекистонни жаннатнинг бир бўлаги деб аташлирича бор. Табиат шу қадар сирлики, уни замирига ҳеч ким етолмаган. Тоғу-тошлар орасида шундай кўркам манзарани айтмайсизми?! Тошни ёриб чиқсан гулларни қаранг, ҳаммаси мўъжиза, — деди меҳмонни суҳбатга чорлаган бўлиб.

— Ҳа, Ўзбекистондек гўзал мамлакат бўлмаса кепрак. Бу Худонинг биз ўзбекларга қилган марҳамати бўлса ажаб эмас. Ўзбекистоннинг тупроғидек муқаддас тупроқ аршу-заминда ягона десам лофт бўлмас. Ўзбекнинг тупроғи ҳам сахий, шу тупроқдан олингани учун ўзи ҳам сахий.

— Ўзбекка фақат Мустақиллик етишмайди, холос. Назаримда ўзбекларнинг ягона орзуси ҳам шу бўлса керак, — деди Абди ақа шивирлаб.

Чинниқул Мўминович шошганича лаблари устига бармоғини қўйди. Гап гап билан меҳмонлар отарга етиб борганини ҳам сезмай қолишиди. Уларни бош чўпон Абдуҳаким ақа Зухуров кутиб олди. Бу ота ҳам худди олдинги отардек. Аммо веттехник йўқ.

— Пирматов келмадими? — сўради Абди ақа бош чўпондан таажжубланиб.

— У киши ҳозиргина қўшни отарга кетдилар, — деб жавоб қайтарди Абдуҳаким ақа.

Меҳмонлар шу тариқа бешта отарда бўлишиди. Қаерга боришимасин тартиб. Аммо, Пирматов йўқ. Бош чўпонлар «Ҳозир кетгандилар», деган гапдан нари ўтишмади.

— Бу дейман Пирматов деган киши чўпонлар билан тил бириктирган кўринадими-а? Кимдан сурасанг ҳозир кетди деб қўяди, — деди Чинниқул Мўминович Абди акага ҳазиллашиб.

Меҳмонлар олтинчи отарга етиб боргандарида Мұхаммад ака Пирматов бош чүпон Үрол ака Рўзибоев билан қўзиларни эмлашаётган эдилар.

— Ана Пирматов, — деди Абди ака машинадан тушиш чорида. Мұхаммад ака икки қўли қўзиларнинг шиттасига булғанган ҳолда меҳмонларни салом-алик билан қарши олди.

Аббос Аҳмедович Мұхаммад акага қараб кулимсираб:

— Ҳа, яхши. Анча чопқир экансиз, — деб қўтон оралаб кетди. Қолганлар ортидан эргашди.

— Үрол Рўзибоев туғилганидан буён бош чўпон десам лоф бўлмас, мана шу отарга бош бўлганига ҳам анча бўлди. Шу йил ҳам ҳар бир совлиқ ҳисобига иккитадан қўзи берди. — деб Абди ака отар ҳақида маълумот берди.

Шу куни Аббос Аҳмедович ишларини поёнига етказиб, лом-лим демасдан Самарқандга қайтиб кетди. Орадан кўп ўтмай Хонақоҳ масжида жума номози олдидан Абди аканинг ҳам, Мұхаммад аканинг ҳам кўксига ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари осиб кўйилди.

Ҳа, йиллар ўтади. Одамлар ўзгаради. Тўфонлар учади. Аммо, яхшилик учун босилган қадамдан қолган излар ҳеч вақт ўчмайди. Аксинча, йиллар ҳақида садо беради.

## М У Н Д А Р И Ж А

<i>Икром Отамурод. Фаҳр туйғуси . . . . .</i>	4
<i>Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!</i> . . . . .	5
<i>Чинор</i> . . . . .	7
<i>Бўлса бас</i> . . . . .	8
<i>Ватан</i> . . . . .	9
<i>Гуллади</i> . . . . .	10
<i>Камолат диёри</i> . . . . .	11
<i>Ватан сотилмас</i> . . . . .	12
<i>Ўзбекистон</i> . . . . .	13
<i>Самарқандимсан</i> . . . . .	14
<i>Тингла жаҳон</i> . . . . .	15
<i>Қомус</i> . . . . .	16
<i>Истиқлол фарзандига</i> . . . . .	17
<i>Ватан кутмоқда</i> . . . . .	18
<i>Софинч</i> . . . . .	19
<i>Сен учун яшайман</i> . . . . .	20
<i>Таъзим</i> . . . . .	21
<i>Она</i> . . . . .	22
<i>Мехр</i> . . . . .	23
<i>Биринчи ўқитувчим</i> . . . . .	25
<i>Ҳайкал</i> . . . . .	26
<i>Қаҳрамон</i> . . . . .	27
<i>Нечун кетдинг</i> . . . . .	28
<i>Муҳаммад Юсуфга</i> . . . . .	30
<i>Дўст</i> . . . . .	31
<i>Софиниб келдим</i> . . . . .	32
<i>Вафолиғ ўтди</i> . . . . .	33
<i>Оллоҳ васфи</i> . . . . .	34
<i>Ўзбек аёли</i> . . . . .	35
<i>Бор боя гулу</i> . . . . .	36
<i>Уялма</i> . . . . .	37
<i>Илк бўса таъми</i> . . . . .	38
<i>Диёнат</i> . . . . .	39
<i>Юлдузнинг ердаги шульласи сенми</i> . . . . .	40
<i>Висол</i> . . . . .	41
<i>Сен турилган кун</i> . . . . .	42

Ўзбекистон қизлари . . . . .	43
Кулгичинг кўрсат . . . . .	44
Йиглама . . . . .	45
Нигоҳ . . . . .	46
Хаёл . . . . .	47
Атеистга . . . . .	48
Табиат . . . . .	49
Сен тупроқсан . . . . .	50
Истиқлол тонги . . . . .	52
Шоирнинг туши . . . . .	53
Гултожихӯroz . . . . .	55
Қор . . . . .	56
Фоз эди . . . . .	57
Эй фарзанд . . . . .	58
Яхшилик қил, яхшилик . . . . .	59
Ҳасад . . . . .	60
Соя . . . . .	61
Нафс . . . . .	62
Истайман . . . . .	63
Меҳнат . . . . .	64
Тўртликлар . . . . .	65
Армон . . . . .	67
Нидо . . . . .	68
Нола . . . . .	70
Жиноят . . . . .	71
Яна қўйдинг лабларимга из . . . . .	72
Ўзбек қиз, ой қиз . . . . .	73
Сожида . . . . .	74
Эгов хотин . . . . .	77
Ит, мушук . . . . .	80

### **Ҳикоялар**

Сирли сарой . . . . .	86
Йиллар садоси . . . . .	115

15"

КАМОЛ РАҲМОН

ЧИНОР

*Шеърлар, ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1999

Муҳаррир А. Бобониёзов  
Рассом Ф. Башарова  
Бадиий муҳаррир М. Аъламов  
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова  
Мусахҳиқ Ж. Тоирова

Теришга берилиди 30.12.98. Босишига ружсат этилди 5.02.99. Бичими  $84 \times 108^1 / 32$ . «Балтика» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 6,72. Нашриёт ҳисоб табори 4,61. Буюртма № 3554. Адади 3000. Баҳоси келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-үй.